O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2003 йил, 10 июнь, сешанба № 70 (1802). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Вторник, 10 июня, 2003 г. № 70 (1802). ● В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

Болалар спортини оммавий спортга, уни ривожлантиришни оммавий ҳаракатга айлантирайлик

Хабар қилинганидек, 4 июнь куни Оқсаройда Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мазкур кенгаш аъзолари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мажлисда 2003 йил 7 февраль куни ўтказилган Ҳомийлик кенгаши йиғилиши баённининг бажарилиши, жорий йилда республика ҳамда ҳудудлар миқёсида янги болалар спорт иншоотларини барпо этиш дастури ва Жамғарманинг 2003 йил бюджетини тасдиқлаш, спорт анжомлари, кийим-кечаклари ва чарм-пойабзал маҳсулотларини ўз ҳудудимизда ишлаб чиқариш, болалар спорт иншоотларининг намунавий лойиҳалари, шунингдек, Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг 4-каналини спорт каналига айлантириш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Қуйида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг мазкур йиғилиши баённомасидан эълон қилинмоқда.

Аввало, мажлис иштирокчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К. Тўлаганов ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви раиси А. Мирқосимовнинг Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг 2003 йил 7 февралдаги йиғилиши баённининг бажарилиши ҳақидаги ахборотлари тингланди.

Халқ таълими вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви ва бошқа тегишли ташкилотлар томонидан болалар спортининг ҳолатини тўрт йўналиш (1—4 синф, 5—9 синф, коллеж ва лицейлар, маҳаллалардаги спорт шохобчалари) бўйича ўрганиш асосида спорт билан мунтазам шуғулланаётган 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларнинг сонини аниқлаш ва танқидий баҳо беришга қаратилган таҳлиллар ўтказилгани маълумот учун қабул қилинди.

Ўтган даврда Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари ва бошқа мутасадди идоралар томонидан болаларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан уйғун равишда камол топишини таъминлаш, мамлакатимизда болалар спортининг асосий йўналиш ва турларини ривожлантиришнинг тиббий ва илмий асосларини яратиш бўйича тавсиялар асосан ишлаб чиқилгани таъкидланди.

Шунингдек, умумий таълим мактаблари учун 2003—2004 ўқув йилига мўлжаллаб жисмоний тарбия ва болалар спортига оид ўқув дастурлари, дарслик, методик қўлланмалар ҳамда плакатлар тайёрлаш дастури тузилган. «Соглом онла» мусобақаларини ўтказиш Низоми ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур мусобақалар Наврўз байрами арафасида маҳаллалар миқёсида бошланиб, ҳозирги кунда давом этаётир.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси томонидан мамлакатдаги мавжуд мактаб, коллеж, лицей ва маҳаллаларда болалар спортини ривожлантириш учун зарур спорт анжомлари ҳамда спорт кийимларига бўлган эҳтиёж аниқлаб чиқилган. Миллий қадриятлар ва анъаналарни инобатга олган ҳолда спорт кийимлари намуналари яратилди ва уларнинг кўргазмалари ўтказилган. Кийимлар дизайнининг жаҳон андозалари даражасида ишлаб чиқилишини таъминлаш мақсадида режалар белгиланган.

Жисмоний тарбия ва спорт йўналиши бўйича кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларининг бакалавриат, магистратура ва махсус сиртқи бўлимларига болалар спорти учун ва уни ташкил қилиш юзасидан педагог-мураббий кадрлар тайёрлаш, шунингдек, спорт журналистикаси ва психологияси мутахассисликлари бўйича таълим бериш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Мажлисда жойлардан билдирилган таклифлар асосида 2003 йилда республика ҳамда ҳудудлар миқёсида янги болалар спорт иншоотларини барпо этиш дастури ва Жамғарманинг 2003 йил бюджети лойиҳалари ишлаб чиқилгани, болалар спорт иншоотларининг намунавий лойиҳалари тайёрлангани, ҳомийлардан Жамғарма ҳисоб рақамига 1 июнга қадар 8,2 миллиард сўм ва 1,6 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ тушгани ҳақидаги ахборотлар ҳам маълумот учун қабул қилинди.

Шу билан бирга, бу борада айрим камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилгани кўрсатиб ўтилди. Хусусан, марказда ва жойлардаги айрим мутасадди раҳбарлар ўта муҳим, миллатимиз келажаги билан бевосита боғлиқ бўлган бу улуғвор масаланинг моҳияти ва аҳамиятини ҳали-бери тўла тушуниб етмагани сезилмоқда. Шу боис уларнинг фаолиятида юзаки қараш, расмиятчилик ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Жамғарма олдида турган вазифаларни тўла амалга оширишда тўсиқ бўлмоқда.

Мамлакатдаги мавжуд спорт иншоотларини инвентаризациядан ўтказиш, уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш масаласига етарлича эътибор берилмаяпти. Янги болалар спорт иншоотлари ва шохобчаларини қуриш бўйича тайёрланган лойиҳаларда уларни маҳаллий шароитга мослаштириш, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олиш масалалари эътибордан четда қолмоқда.

Баъзи жойларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фаолияти ва таълим тизимидаги жисмоний тарбия дарслари масаласини тушунишда чалкашликка йўл қўйилаётир. Бу борада Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Жамғарманинг ваколат ва масъулиятини қатъий белгилаб қўйиш зарурлиги уқтирилди.

Жамғарма тизимига, хусусан, унинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимларига Жамғарма олдида турган мақсад-вазифаларни чуқур тушуниб етмаган, фаоллик ва ташаббускорлик, фидойилик фазилати етарли бўлмаган кишиларни ишга қабул қилиш ҳолларига йўл қўйилаётир.

Бундан ташқари, халқимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини кенг, умумхалқ ҳаракатига айлантириш борасида оммавий ахборот воситаларининг фаолияти талаб даражасида эмаслигига ҳам эътибор қаратилди.

Ўқув жараёнининг ҳар бир босқичида, аввало, қишлоқларда жойлашган ўқув юртларида ҳафта давомидаги спорт дарслари ҳажмини кўпайтириш масалаларини қайта кўриб чиқиш ва янги ўқув йилида татбиқ қилиш тавсия этилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2003 йилга мўлжалланган бюджети жорий йилнинг 9 ойлик натижаларига кўра қайта кўриб чиқиш шарти билан тасдиқланди.

Ҳомийлардан тушиши белгиланган миллий ва эркин муомаладаги валюта маблағларининг ўз вақтида ва тўла миқдорда тушишини таъминлаш Бош вазир ўринбосари Р. Азимов зиммасига юклатилди. 2003 йил 1 июль муддати билан тўпланган валюта ҳажмини ҳомийлар ҳисобидан яна 1 млн. долларга кўпайтириш кўзда тутилиши қайд этилди.

Жамғарманинг 2004 йилга мўлжалланган бюджетидаги миллий ва эркин муомаладаги валюта маблағларининг ҳажми ҳақида Бош вазир ўринбосари Р. Азимов ва Молия вазири М. Нурмуродов томонидан 2003 йил 15 ноябргача таклиф киритилиши белгилаб қўйилди. Жамғарма маблағларини сарф этиш ва назорат қилиш вазифаси ва масъулияти Молия вазири М. Нурмуродов зиммасига юклатилди.

«Ўздавархитектқурилиш» қўмитасига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоят ҳокимлари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда қурилиши мўлжалланаётган спорт иншоотларининг лойиҳалари бўйича аниқ таклифларни уч ҳафталик муддатда ҳар қайси вилоятнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда кўриб чиқиш учун киритиш тўғрисида топшириқ берилди.

(Давоми 2-бетда).

● «КАМОЛОТ» СТИПЕНДИАТЛАРИ

Мақсад сари интилавер

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида стипендиатларга гувоҳнома топширилиши маросими ҳали-ҳали эсимда. Стипендиат талабалар номидан Фарғона давлат университети талабаси Сурайё Ғофурова сўзга чиқиб, келажак бунёдкорлари бўлган ёшларга берилаётган эътибор хусусида тўлқинланиб гапирди. «Камолот» стипендиясини қўлга киритган курсантларга қараб, «ана шу бунёдкорона, эзгу ишлар учун зарур бўлган тинчликни, осойишталикни юртнинг бу мард ўғлонлари таъминлайди», деган гап хаёлдан ўтди. Худди шуни сезгандек, бўлғуси десантчи офицер — Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти Ғайрат Қорабоев сўзга чиқди.

— Биз элимизнинг, юртимизнинг, истиқлолимизнинг ҳимоячилари. Миллий армиянинг посбони, ўзбек ҳарбийси деган шарафли номни оқлаш учун жонбозлик кўрсатишимиз лозим. Ваъда бериб айтаманки, юртнинг биздек ўғлонлари бор экан, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлади. Ўзбекистон ёшларини бирлаштириб, уларни буюк мақсадлар йўлида қўллаб-қувватлаётган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига миннатдорчилик билдирамиз, — деди, жумладан у.

Тантанали қисм тугагач, журналист ҳамкасблар бу курсант билан қизиқиб қолишиб, савол-жавоблар қилишди. «Каранг, интеллектуал даражаси юқори экан. Армиямиз сафларида шундай ўғлонлар хизмат қилишса, Куролли Кучларимиз нуфузи ошаверади», деди ҳатто таниш ҳамкасблардан бири. «Қорабоевга ўхшаган ҳарбийларимиз кўп. Уларни мустақиллик кафш этди. Уларнинг қалбларида миллий истиқлол ғоялари уйғоқ», дейман ҳамкасбимга.

Ғайрат Андижоннинг Жалолқудуғидан бўлади. Оиладаги 5 фарзанднинг ичида ягона ўғил. Унинг десантчи бўлишига ҳамма ҳам ишонавермасди. Айниқса, унинг тумандаги физика-математикага ихтисослашган лицейда ўқиётгани, аниқ фанларга муҳаббатини кўриб, Бироқ, лицейни тугаллаган йигит ҳеч иккиланмай ҳарбий бўлишга қарор қилди. «Жисмоний жиҳатдан баркамол бўлганинг билан десантчи бўлишинг қийин», деганлар ҳам топилди. Чунки улар йигитни таваккалига иш тутаяпти, деб ўйлашганди-да. Аммо Ғайратнинг болаликдан соҳага меҳри тушгани, десантчи бўлиш учун ҳар томонлама тайёргарлик кўриб келганини билишмасди, англашмасди. Ичимдагини топ, хилидан-да ўзиям.

— Курсант Қорабоев ҳарбий жамоа кенгашининг раиси. У доимо взводдаги курсантларимизнинг қизиқиши, ҳоҳишларини бизга етказиб туради. Қолоқлик, интизомсизликни йиғилишларда қаттиқ танқид остига олиб, жамоамиз ютуқлари учун курашади, — дейди жумладан взвод командири капитан Зокир Аҳмедов.

«Десантчи» деворий газетасининг мунтазам чиқишида ҳам Ғайрат бош-қош. Унинг муҳаррири курсант Умид Сафаров билан Ғайрат яқин сирдош, маслакдош.

Стипендиатнинг энг яхши кўрган фани—ижтимоий-сиёсий тайёргарлик. Айниқса бу борада ўқитувчи-офицер майор Алипошшо Аҳмедовнинг хизматлари беқиёс.

Яқинда Тошкент давлат шарқшунослик институтида Ватан, ватанпарварлик мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда иштирок этган курсантнинг таассуротлари бир талай.

— Ким бўлишимиздан қатъи назар, жаннатмакон Ўзбекистоннинг фуқароларимиз. Уни кўз қорачиғидек асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир, — дейди у.

Ҳозирда курснинг якунловчи имтиҳонлари давом этмоқда. Имтиҳон ва синовларда Ғайратнинг «5» баҳолари кўп. Аммо асосий мақсад сари интилишдан тўхтагани йўқ. У «беш» баҳога лойиқ офицер бўлиб етишишни дилига тугган.

Капитан Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Александр МРУЧАК
суратга олган.

● БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

БАРКАМОЛ ШАХС ТАРБИЯСИ—УМУМИШИ

Оммавий ахборот воситаларида хабар берилганидек, 4 июнь куни Оқсаройда Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилишда кўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисда кўтарилган масалалар ва муҳокама пайтида билдирилган фикрлар аҳамияти жуда беқиёсдир. Бу нафақат жамғарма тузилишида кўзланган мақсадларга эришиш йўлида навбатдаги қадам қўйилганида, балки тарихий аҳамиятга молик муаммоларни ҳал эта бориб, биз соғлом ва ҳар томонлама баркамол шахс тарбияси тушунчасини янгитдан чуқур англаб, янада фаол ва ишчан бўлишимиз ва шунингдек, бир дақиқа ҳам одамларнинг бугунги эҳтиёж ва талабларини, болалар спорти тараққиётининг долзарб муаммоларини унутмаслигимиз лозимлигида.

Хабарингиз борки, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги Президент фармони 2002 йилнинг 24 октябрида чиққан эди. Орадан бир ҳафта ўтиб Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳам қабул қилинди. 2002 йилнинг 29 декабри ва 2003 йилнинг 7 февралида жамғарма Ҳомийлик кенгашларининг илк йиғилишлари бўлиб ўтди.

Ҳомийлик кенгашини шахсан мамлакатимиз Президенти бошқараётган янги ташкилотнинг иш бошлаганига ҳам мана етти ойдан ошди. Албатта ўтган вақт мобайнида республикамизда, хусусан жойларда бирмунча ижобий ишлар қилинди. Бироқ, Ҳомийлик кенгаши йиғилиши материалларига эътибор берсак кўзланган мақсад сари интилиш оммавий тус олмаган ва қиёс қилиб гапирсак спортга хос бўлган куч, ғайрат ва шижоат билан олиб борилмаяпти.

Келинг, йиғилишда келтирилган баъзи бир рақамларни яна бир бор эслаб ўтайлик. Мамлакатимиздаги 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган жами 6 миллион 528 минг ёшлардан атиги 432 минги, яъни 6,7 фоизигина спорт билан мунтазам шуғулланади. Халқ таълими вазирининг келтирган рақамларига биноан эса 26 фоиз болалар спорт билан шуғулланишади. Ҳатто шу ерда ҳам келтирилаётган рақамларда тафовут борлиги одамни ажаблантиради.

Кўриниб турганидек, натижаларни жуда ҳам қониқарли, деб бўлмайди. Хўш, бунинг сабаблари нимада? Албатта турли-туман сабабларни рўкач қилиш мумкин: спорт базалари, инвентарлар етишмаслиги, мутахассискадрлар танқислиги, маблағ камлиги ёки спорт мутахассислари меҳнати эвазига тўланаётган пул камлиги ва ҳоказо. Бироқ, менимча, биз ҳали ҳам эскича ишлаш ва эски ақидалардан халос бўлолмаяпмиз. Ва, энг муҳими, Президентимиз таъкидлаганларидек, давлат сиёсатини, унинг асосий йўналишларини, стратегик мақсадларини тўла илғаб ололмаяпмиз. Халқимиз, ёшларимизнинг эртанги куни, уларнинг муносиб ҳаёт кечиришлари учун кенг имкониятлар яратишимиз керак-лигини унутиб қўяяпмиз.

Эртанги кун ҳақида ўйлашни эса барчамиз мамлакатимиз Президентидан ўрганишимиз лозим.

Келинг, мустақил давлатимиз шаклланиши тарихидан сабоқ бўларли бир фактни эсга олайлик. Бул келтирмоқчи бўлаётган мисолимиз ҳақиқатдан ҳам сабоқ бўларлидир. Эсланг, мустақил давлатимизнинг энг биринчи юксак нишони «Соғлом авлод учун» ордени эмасми? Ҳа, у буюк мақсад халқимиз, жамиятимиз тақдирини кўзлаб, соғлом миллат наслини сақлаб ривожлантириш ниятида, мустақил давлатимиз буюк келажаги тақдирини ўйлаб таъсис этилган эди. 1994 йил илк орденни топшириш маросимида Президентимиз ушбу олий мақсадни теран тушунтириб берган эдилар. «Ҳар бир оқил инсоннинг ва жамиятимизнинг муқаддас вазифаси айтиш мумкинки, ҳаётининг маъноси қобил фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал қилиб тарбиялаш, камолини кўриш, ота-онасига, Ватанига садоқатли кишилар этиб вояга етказишдан иборатдир».

Менимча, «Соғлом авлод учун» ордени мустақил давлатимиз илк юксак нишони сифатида таъсис этилганда, «Шундай ном билан ҳам орден таъсис этишадими, тирик жонзот бор экан-ки, ўз авлоди, наслини давом эттиришга эътибор беради», — деб мийигида кулиб қўйганлар ҳам бўлган бўлса ҳеч ажабланмайман. Бироқ, тоталитар тузум асорати ила мамлакатимизда, қолаверса минтақамизда юзага келган экологик халокат, Орол фожеаси, пахта яккаҳокимлиги таъсирлари натижасида миллат генофондига жиддий зарар ета бошлаганлигини, ҳамма ҳам тушуниб етмаган эди. Президентимизнинг бу ташаббуси, яъни, айнан соғлом авлод тарбияси ушбу кунинг энг долзарб масаласи эканлигини ўта тўғри баҳолай олган ҳолда ушбу масалада жонбозлик кўрсатаётганларни давлат миқёсида тақдирлашни жорий этишлари қанчалик тўғри ва ўз вақтида бўлганлигини ҳаётнинг ўзи бугун кўрсатиб турибди.

(Давоми 4-бетда).

АСЛ ЙИГИТ ҲАРБИЙ БЎЛАДИ

Яқинда ҳарбий кафедрада таҳсил олаётган гуруҳимиз талабалари билан биргаликда подполковник Қаҳрамон Жумаев командирлик қилаётган Тошкент гарнизони комендатурасида бўлдик. У ерда хизмат қилишаётган офицерлар, шартнома бўйича хизматчилар, оддий аскарлар билан суҳбатда бўлиб, шу нарсага амин бўлдимки, ҳарбий хизмат ўта масъулиятли ва шарафли соҳа. Асл йигит устига ҳарбий либос кийиб Ватан посбони бўлади.

Жўрабек АЛИЕВ,
ЎзМУ талабаси.

● СЕРЖАНТЛАР — АРМИЯМИЗ ТАЯНЧИ

Ютуқлардаги устуворлик

Икки йилдирки, Жўрабек шартнома бўйича хизматда. Муддатли ҳарбий хизматини ўтаган жамоасида — қадрдон ҳарбий қисмида шартнома бўйича хизматни давом эттиришга қарор қилганидан колимайди. Профессионаллик сари шаклланувнинг бу қисқа муддати йигит учун кўп сабоқлар берди. Аввало у ҳарбий соҳани касб сифатида эгаллади. Жисмонан, маънан янада баркамоллашди. Аскарлик пайти очиги унчалик масъулият сезмасди. Бирор нарсани тушунмаса охиригача ўрганишга доим ҳам қунт қилавермасди. Энди эса бошқача. Ўз соҳасини пухта, мукаммал билмаса бўлмайди. Аскардан фарқи юриш-туриши, унвонидагина бўлмаслиги керакда. Ундан аскарлар тушунмаган нарсаларини сўрашлари, ўрганиши мумкин. Ахир, кичик командир деган номи бор. Кичик командир — кичик устоз дегани. Дейлик, у

(Давоми 2-бетда).

СИГНАЛ ПОСТУПИТ ВОВРЕМЯ

Сегодня, когда во всех подразделениях идет отработка учебных вопросов по повышению боевой готовности, обеспечение надежной связи приобретает особое значение. В подразделении связистов, где командиром старший лейтенант Уткир Пирназаров, за надежной работой оборудования следит командир секции ремонта и обслуживания старший сержант Эдуард Еремин.

В подразделении знают, какая бы неисправность ни приключилась, старший сержант Э. Еремин и его подчиненные в считанные минуты обнаружат ее и восстановят связь. Первые занятия по боевой готовности показали — связисты умело выполняют свои обязанности, бдительно несут боевое дежурство, надежно обеспечивают прохождение сигналов боевой готовности от вышестоящего штаба в подразделения гарнизона.

Младший сержант
Р. АВАЗОВ.

● ОБУНА—2003: ИККИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИК

„Ватанпарвар" газетаси муштарийларига

Республикамизда 2003 йилнинг иккинчи ярми учун даврий нашрларга, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий нашри «Ватанпарвар» газетасига обуна давом этмоқда.

«Ватанпарвар» газетаси республикамиздаги обрўли нашрлардан бири ҳисобланади. Фақат бизнинг газетамиз саҳифаларида Қуролли Кучларимиздаги қисм ва бўлинмалар ҳаёти, жанговар фаолияти ҳар томонлама ва кенг ёритилади, ҳарбий соҳадаги ислоҳотларнинг асосий босқичларини акс эттирадиган мақолалар чоп этилади, жангчиларимизни ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат ва унинг ҳимоясига доимо шайлик руҳида тарбиялаш борасида мунтазам лавҳалар, очерклар эълон қилинади.

Шунингдек, «Ватанпарвар» саҳифаларида Ўзбекистоннинг иқтисодиёт, маданият, таълим, спорт ва ижтимоий-сиёсий ҳаётининг бошқа соҳаларида эришган ютуқлари, халқаро ҳаётдаги муҳим янгиликлар кенг ёритилади.

Иккинчи ярим йиллик учун «Ватанпарвар» газетасига «Ўзбекистон почтаси» ДАКнинг барча бўлинмаларида, шунингдек, бевосита газета нашриётида обуна бўлиш мумкин.

Обуна баҳоси ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳри учун алоҳида белгиланган. Бу жўнатиш ва етказиб бериш харажатларидаги фарқлар билан боғлиқдир.

Тошкент шаҳрида «Ватанпарвар» газетасига обуна баҳоси:

абонент қутиларига эга бўлган ҳарбий қисмлар, бўлинмалар ва муассасалар учун:

3 ойга — 3246 сўм;
6 ойга — 6492 сўм;
Уй манзилига обуна бўлганда:
3 ойга — 3831 сўм;
6 ойга — 7662 сўм;

«Ватанпарвар» газетасини бевосита нашриётнинг ўзидан олиб кетишни истовчи Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмлар (муассасалар) ва шахслар обунани нашриётнинг ўзида расмийлаштиришлари мумкин.

Бу ҳолда обуна баҳоси:
3 ойга — 2466 сўм;
6 ойга — 4932 сўм;
Тошкент вилоятида обуна баҳоси:
абонент қутиларига эга бўлган ҳарбий қисмлар, бўлинмалар ва муассасалар учун:
3 ойга — 3621 сўм;
6 ойга — 7242 сўм;
Уй манзилига обуна бўлганда:
3 ойга — 3870 сўм;
6 ойга — 7740 сўм;
Нашриёт манзили:
Тошкент-31, Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.
Маълумотлар учун телефон: 56-03-46.

ТАҲРИРИЯТ.

Сайёрамиз садоси • Пульс планеты

Палестинский премьер-министр Махмуд Аббас исключил возможность диалога с ХАМАС, после того, как группа оборвала переговоры в знак протеста против его примирительных слов на саммите с Израилем. «Премьер-министр Махмуд Аббас не будет встречаться с ХАМАС, даже если ХАМАС попросит его о встрече. Их безответственное решение показало, что они не заинтересованы в укреплении национального единства палестинского народа», — сказал представитель палестинской администрации.

***

Оппозиционный блок «Справедливость», занявший на выборах в армянский парламент второе место, подал в понедельник в Конституционный суд (КС) Армении заявление о признании недействительными итогов парламентских выборов, сообщили в пресс-службе КС.

Кроме блока «Справедливость» в Конституционный суд обратились 24 кандидата, баллотировавшихся по мажоритарной системе, с требованием признать недействительными итоги выборов в 19 избирательных округах. Иски всех кандидатов были приняты к рассмотрению.

***

Односторонний выход Туркмении из соглашения о двойном гражданстве «противоречит взаимным договоренностям и не будет признан российской стороной ни при каких обстоятельствах».

Как заявил в понедельник на пресс-конференции в Москве директор Департамента консульской службы российского МИД Владимир Котенев, «российская сторона продолжает считать соглашение о двойном гражданстве от 1993 года действующим».

***

На юге Индии начались муссонные дожди после трехнедельной жары, в результате которой скончались более 1300 человек. «Муссоны достигли штата Керала. Существуют благоприятные условия для их распространения в Южную Карнатаку в течение 48 часов», — сообщил заместитель генерального директора метеорологической службы Индии.

***

Кабинет министров Украины, опасаясь распространения атипичной пневмонии (САРС) в стране, своим распоряжением приостановил въезд на территорию республики граждан из стран, где зафиксирован этот вирус.

Кроме того, правительство приостановило выдачу въездных виз гражданам Китая и Сингапура, а также временно запретило своим гражданам посещать страны, где распространена эта болезнь.

***

Полиция Германии в понедельник сообщила, что в оставленном на железнодорожной станции в Дрездене чемодане находилась бомба, взрыв которой мог привести к многочисленным жертвам и разрушениям.

Как сказал пресс-секретарь полиции земли Саксония, в чемодане находилось большое количество взрывчатки и взрыватель. По его словам, «это были необычное взрывчатое вещество и взрыватель», однако какова в точности его мощность и какое взрывчатое вещество было использовано, он отказался сообщить, сославшись на тайну следствия.

(По страницам Интернета).

Болалар спортини оммавий спортга, уни ривожлантиришни оммавий ҳаракатга айлантирайлик

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига, Халқ таълими вазирлигига, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими болалар спорти учун пухта замин яратиш мақсадида, мамлакат ва ҳудудлар миқёсида спорт билан мунтазам равишда шуғулланаётган 6—17 ёшдаги болалар сони ҳақидаги аниқ таҳлилга асосланган тўлиқ маълумотни икки ҳафта муддат ичида тақдим этиш вазифаси топширилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига илмий ва тиббий асослар ҳамда ҳудудларнинг табиий шароитидан келиб чиққан ҳолда, истиқболли спорт турларини ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган таклифларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғибот қилиш тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К. Тўлаганов раислигида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ва мутасадди ташкилотлар вакилларидан иборат таркибда комиссия тузиш белгиланди. Комиссия зиммасига мамлакатдаги мавжуд спорт иншоотларини инвентаризация қилиш ва улардан унумли фойдаланиш масаласини ўрганиб, бир ой муддатда таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси юкланди.

Йиғилиш баёнида қайд этилганидек, Болалар спорти иншоотларининг қурилиш ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида Жамғарма ҳузурида қурилиш объектлари дирекцияси ташкил этилиши мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Дирекция зиммасига Ҳомийлик кенгаши тасдиқлаган қурилиш иншоотлари рўйхати асосида лойиҳалаштириш, қурилиш ишларини мувофиқлаштириш ҳамда ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш ва бошқа тегишли вазифалар юклатилди. К. Тўлаганов уч ҳафта муддатда Дирекция тузилмаси ва Низомини ишлаб чиқиб тасдиқлашни ва бир ой муддатда унинг таркибини малакали кадрлар билан тўлдиришни таъминлаши зарурлиги белгилаб қўйилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ҳамда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларига мазкур масала бўйича 2003 йил учун тасдиқланган қурилиш ва таъмирлаш дастури асосида ташкилий чора-тадбирларни белгилаш, шу жумладан, қурилиш ташкилотлари ўртасида ўз вақтида ишлаб чиқилган намунавий лойиҳаларни белгиланган тартибда тендерлар ўтказиш йўли билан танлаб олиш, қурилиш объектларини ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос табиий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш ва бошқа барча зарур ташкилий ишларни ўз вақтида амалга ошириш вазифалари юклатилди.

Молия вазирлигига барча қурилиш ишларини Жамғарманинг тасдиқланган бюджети асосида ўз вақтида молиялаштириш, қўзда тутилган харажатларни белгиланган миқдорда ва мақсадли сарфланишини назорат этиш вазифаси юкланди.

Ўзбекистон Республикасида болалар спорт анжомлари, кийим-кечаклар ва чарм пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилган ишлар маъқулланди. Барча вилоятларда «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган спорт кийимлари кўргазмаларини ўтказиш ва бу кўргазмалар фаолиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш зарурлиги қайд этилди.

Бу борада икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига тегишли қарор лойиҳасини тақдим этиш вазифаси Бош вазир ўринбосари М. Усмоновга топширилди.

Ўзтелерадиокомпания, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, ЎзА, бошқа оммавий ахборот воситаларига болалар спортини ривожлантиришнинг асосий мақсад ва вазифалари, стратегик йўналишлари бўйича ахборот ва тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш тавсия этилди.

Бош вазир ўринбосари Р. Азимов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов, Ўзтелерадиокомпания, Матбуот ва ахборот агентлиги, Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда «Оммавий спорт тарғиботини кучайтириш тўғрисида» қарор лойиҳасини бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритиши лозимлиги таъкидланди.

Қарорда спорт журналистикаси соҳаси ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг ўзига хос миллий тизимини шакллантириш, спорт нашрлари ва бу соҳага ихтисослашган бошқа оммавий ахборот воситаларининг моддий-техникавий базасини яхшилаш, спорт журналистларини рағбатлантириш, мамлакат телевидениесида махсус «Спорт» каналини ташкил этиш чора-тадбирлари кўзда тутилиши зарур.

Ушбу баён ижросини назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К. Тўлаганов ва Бош вазир ўринбосари Р. Азимов зиммасига юклатилди.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши раиси, Президент Ислом Каримов тасдиқлаган ушбу йиғилиш баёни яна бир бор шундан далолат берадики, мазкур Жамғарма фаолияти ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришнинг, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни сингдиришнинг ғоят муҳим шарти сифатида мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш ва уни тарғиб этишни том маънода таъминлашга, энг муҳими, бу борадаги эзгу интилишларни умумхалқ ҳаракатига айлантиришга қаратилгандир.

(ЎзА).

ЮТУҚЛАРДАГИ УСТУВОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳозирда жанговар машинанинг командири. Қўл остида экипаж аъзолари бор. Масалан, ҳайдовчи посбон оддий аскар Нуриддин Мирзаев жанговар техника бошқарувида хатога йўл қўйди. Командир унинг хатосига сабаб бўлган омилни топиши, аскарга тушунтириши лозим. Янги мавсумга техникани ўз вақтида шай қилиб қўйиш ҳам асосан Жўрабекнинг зиммасида. Аввало қўл остидагиларга ўзи намуна кўрсатмоғи лозим. Масалан, қишки ўқув мавсумининг синов машғулотларида шундай бўлди. Жисмоний тайёргарликдан синов топширишганда кичик сержант турникда тортилиш бўйича 14 та натижани қайд этди. Уч километрга югуриш бўйича ҳам рекорд кўрсаткичга эришди. Шу сабабли экипаж аъзолари ҳам ундан ўрнак олишиб, мазкур тайёргарликдан юксак натижаларни қўлга киритишди. Ижтимоий-сиёсий, саф, тактика тайёргарликлари хусусида ҳам шундай фикрларни айтса бўлади. Аслида кичик командир посбонларга ўрнак бўлиши учун ҳам эмас, ўз соҳасини профессионал даражада эгаллаётгани учун шундай ҳаракат қилди.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ж. Расулов дивизионнинг энг илғор жамоаси — катта лейтенант Азамат Қаршиев етакчилик қилаётган батареяда хизмат қилмоқда. Йигит Навоийнинг Қизилтепа туманидан бўлади. Келгусида у сержантлар тайёрлаш мактабида таҳсил олиб, билим, тажрибасини бойитмоқчи. Армиямизнинг муҳим бўғинларидан бири бўлган сержантлар ҳақида гап кетганда Жўрабек, жумладан шундай деди:

— Сержант аскарнинг энг яқин сирдоши, маслакдоши бўлганидагина ўзини оқлайди. Бу ўринда кичик командир маънавияти ҳам муҳим ўрин тутади. Агар сержант маънавий жиҳатдан шакллланмаган бўлса, қўл остидагиларнинг тарбиясига бу таъсир этади. Кичик командир фақат буйруқ бериши, қўмондонларнинг топшириғини шахсий таркибга етказиши лозим, дея ўйлайдиганлар янглишади. У аскар қалбини, руҳиятини тушуна олиши, улар юрагига йўл сола билиши лозим.

Кичик сержант Ж. Расуловнинг бу ҳақдаги фикрлари қисқача шундай. Яъни, хизмат аксиомаси шунақа, десак ҳам бўлаверади.

Сержант ким, унинг вазифалари нималардан иборат, деган саволга жавоб топиш, яъни унинг моҳиятини англашда гап кўп. Лавҳамиз қаҳрамонининг ютуқларида ана шу устуворликни ҳис қилдик.

Капитан Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

● ВЕСТИ ИЗ ПОДРАЗДЕЛЕНИЙ

СПОСОБЕН НА МНОГОЕ

В ведении майора Хикматулло Латыпова сложная аппаратура связи, разбросанная по отдаленным «точкам» подразделений Войск противовоздушной обороны. Поддержание всего этого хозяйства в состоянии высокой боевой готовности, обучение и воспитание воинов-связистов в духе постоянной бдительности требуют от него немалых усилий, опыта и методического мастерства.

У майора Х. Латыпова давно вошло в привычку: доверяя подчиненным, не забывать регулярно лично проверять состояние средств связи в подчиненных подразделениях. Оособое внимание офицер уделяет становлению молодых специалистов, только прибывших в подразделения. Чем быстрее выйдут они на уровень мастерства более опытных сослуживцев, тем надежнее и устойчивее будет обеспечиваться связь между подразделениями, успешнее будут решаться учебно-боевые задачи в части.

За внимание к подчиненным, умение ободрить их, обучить приемам работы на сложной технике майора Х. Латыпова давно называют душой воинского коллектива. Это — признание его большого авторитета, а главное, нравственного и морального примера офицера, который способен на многое, чтобы сплотить и повести коллектив на новые успехи в боевой учебе.

Петр НАГОРНЫЙ.

ЭГИЗАКЛАРДАН БИРИ

Ҳусан эгизаги Фотимани соғинганда мактуб йўллайди. Телефон орқали боғланишга ҳаракат қилади. Кўпи кетиб ози қолди. Ҳадемай кузда муддатли ҳарбий хизматини шараф билан ўтаб бўлиб, отаонаси, яқинлари, эгизаги ёнига қайтади. Гап билан овора бўлиб, уни яхшилаб таништирмабмиз. Оддий аскар Ҳусан Алимбоев катта нишонга олувчи вазифасида. У лейтенант Ислом Абдуллаев командирлик қилаётган батареяда хизмат қилаяпти. Ҳусан Тошкентнинг Қибрай туманидан. Армиягача мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳайдовчилар тайёрлаш мактабида ўқиган. Йигитда спортга қизиқиш кучли. Каттақўрғонда посбонлар ўртасида мусобақа бўлганида фаол қатнашиб, жамоаси шарафини ҳимоя қилди. Баҳорги синовларда ҳам батареяга жисмоний тайёргарликдан биринчи аъло баҳони Ҳусан туҳфа этди. Жамоат ишларида фаол қатнашгани учун аскарни ҳарбий жамоа кенгашининг раиси этиб тайинлашган. Қизиғи шундаки, ҳайдовчилар тайёрлаш мактабида орттирган дўсти Комил Саъдуллаев билан бир жойда хизмат қилмоқда. Бу эса уларнинг дўстлик ришталари янада мустаҳкам боғланишига сабаб бўлди.

—Хизматни энди бошлаган пайтлар ўзимни ноқулай сезиб юрдим. Кейин билсам, бу Фотимани соғинганим сабаби экан. Мана ҳозирда ёзги ўқув мавсуми машғулотларига кириштик. Ҳатто дастлабки ютуқлар ҳам бор. Жамоамиз шунқорлари мавсум давомида жанговар шайлиги юксак эканлигини кўрсатишига ишонаман, — дейди, жумладан у.

Отабек РУЗИЕВ,
ЎзМУ талабаси.

● НА ВОЕННЫХ КАФЕДРАХ

ЗАКРЕПИМ ПРАКТИЧЕСКИ

Нелегким был путь каждого, кто желал учиться на военной кафедре Национального университета Узбекистана. Сразу после окончания второго курса студенты держали серьезный экзамен, самым тяжелым этапом которого для многих стала физическая подготовка.

А затем два раза в неделю — встреча с преподавательским составом военной кафедры на плановых занятиях. Подполковники И. Давкаров и А. Норматов, майоры Г. Курбанов и В. Искандаров в течение года вели своих подопечных по трудному пути усвоения основ военного дела, обучали секретам воспитательной работы и организации досуга личного состава.

И вот новое серьезное испытание — месячные сборы, в ходе которых надо будет закрепить полученные знания на практике. Искандар Абдуббанонов, Бекзод Мажидов и другие студенты стали курсантами и с первых занятий стремятся быть на высоте своего будущего предназначения. Дело защиты независимости Узбекистана должно быть в надежных и умелых руках.

Дурбек ТУРАЕВ,
студент 3-го курса факультета зарубежной филологии НУУ.

● ИДЕТ ЛЕТНЯЯ БОЕВАЯ УЧЕБА

СЛАЖЕННО И БЕЗОШИБОЧНО

ФОТОРЕПОРТАЖ

С каждым годом мы все больше и больше убеждаемся в том, насколько видоизменяются требования к ведению современных боевых действий. На смену долговременным фронтовым и армейским операциям приходят стремительные рейды небольших по численности, мобильных группировок, способных за короткий промежуток времени оказаться в нужном месте и тем самым решить исход боя. И это наглядно продемонстрировали военные конфликты на Кавказе, в Косово, Афганистане. В определенной степени испытали подобное на себе и наши отдельные воинские подразделения, преграждая путь бандформированиям, пытавшимся продвинуться в глубь страны. Но каким бы кардинальным изменениям ни подвергались тактика и стратегия, одно условие было, есть и будет оставаться неизменным — готовность любого армейского звена, в целом, и каждого военнослужащего, в частности, к мгновенным действиям. Выработать такое качество, достигнув при этом высочайшей слаженности, — дело не простое, да и не одного дня. Именно поэтому начало каждого периода обучения ознаменовывается тщательной отработкой вопросов боевой готовности, в ходе которой воины-узбекистанцы набираются опыта действий по тому или иному сигналу. Несведущему человеку подъем по тревоге, выход в указанный район покажутся не таким уж архисложным заданием, но людям в погонах доподлинно известно, что каждый этот этап подчинен строгому времени норматива, по которому во многом и определяется уровень выучки воинского коллектива.

На недавнем таком занятии взвод под командованием офицера Маруфа Кадырова удостоился высокой оценки представителя вышестоящего штаба. Безупречно сработал наряд по подразделению, своевременно принявший сигнал и сделавший все необходимое, чтобы сослуживцы, не теряя ни секунды, смогли получить оружие, боеприпасы, прибыть в парк боевых машин и подготовить их к совершению марша. Не мешкали и сами воины. В отсутствие офицера командование на себя принял младший сержант по контракту Саид Накибоев и успешно справился с этими обязанностями, а это свидетельство того, что боевая готовность подразделения на должном уровне и врасплох его противнику не застать.



Подполковник Ярослав КОРУКА.

На снимках: **моменты занятия по боевой готовности во взводе офицера М. Кадырова.**

Фото **Александра МРУЧАКА.**

Военно-политические новости

ОТВОД ВОЙСК ИЗ ДМЗ

Командование американских войск в Южной Корее заявило, что решение о постепенном отводе американцев из демилитаризованной зоны (ДМЗ) не ослабит безопасность жителей республики. Представители Южной Кореи и США согласовали график вывода войск. Многие наблюдатели полагают, что вывод войск из нейтральной зоны дает войскам США большую гибкость и уменьшает ожидаемые потери в случае начала конфликта.

«ТЕРАКТ НЕ ПРИВЕДЕТ К ИЗМЕНЕНИЯМ...»

Министерство иностранных дел Германии сообщило, что теракт в Кабуле и смерть четырех миротворцев не приведет ни к каким изменениям в пределах миротворческого контингента, находящегося в Афганистане. «Международное присутствие в Афганистане должно быть обеспечено», — заявил министр обороны ФРГ Петер Штрукк. Штрукк сказал, что теракт имел «новый и ужасный размер», но он не приведет к изменениям в расположении немецких миротворцев в Афганистане. В субботу в Кабуле такси, наполненное взрывчаткой, врезалось в автобус с миротворцами ФРГ. В результате этого теракта 4 человека были убиты и 31 получили ранения.

НИДЕРЛАНДСКИЕ МИРОТВОРЦЫ...

Нидерланды направят 1100 миротворцев в южный Ирак для присоединения к возглавляемым международным миротворческим силам. Как сообщило голландское правительство, в пятницу на заседании кабинета правительства было решено принять участие в создание миротворческого контингента. Срок пребывания миротворцев в Ираке составит как минимум шесть месяцев, возможно — год. Дата отбытия пока не назначена, но министр обороны Хенк Камп заявил, что в августе военных могут перебросить в Кувейт для акклиматизации. Украина направит для содействия стабилизации Ирака 1800 военных.

БИР ЙЎЛА УЧ ГУРУҲ

Исроил ҳудудига кириш ҳаракат қилган Фаластин террорчилари билан юз берган отишмада тўрт нафар ҳарбий ҳалок бўлди. РАТА — ТАСС хабарида айтилишича, воқеа Ғазо минтақасидаги Эрез чегара масканида содир бўлган. Отишмада яна тўрт нафар аскар жароҳатланган.

Бу иш учун барча жавобгарликни Фаластиндаги бир йўла уч ҳарбийлашган гуруҳ — ХАМАС, «Ислом жиҳоди» ҳамда «Ал-Ақсо» ташкилотлари ўз зиммасига олди.

СЛОЖИЛИ ОРУЖИЕ

В Чечне от дальнейшего участия в незаконных вооруженных формированиях отказалась группа из 28 человек. Об этом сообщил в понедельник представитель УФСБ по Чеченской республике.

Он уточнил, что «эти люди сегодня были доставлены в Грозный». «Бывшие боевики добровольно сложили оружие и заявили о своем намерении прекратить дальнейшее сопротивление федеральным силам», — добавил источник.

КУПТОМОНЛАМА МУЗОКАРА

Япония ҳукумати КХДР-га ядро муаммоси юзасидан кўп томонлама музокара ўтказилишига кўмаклашиш ниятида эканлигини билдирди. Япония расмий манбаларидан олинган маълумотларга қараганда, КХДР билан бўлажак ушбу мулоқотда АҚШ ва Хитойдан ташқари Япония ва Жанубий Корея вакиллари иштирок этиши кутилмоқда.

БЛОКИРОВАНЫ

Похитители военных наблюдателей ООН в понедельник блокированы в Кодорском ущелье отрядами местного ополчения и спецназа национальной гвардии Минобороны Грузии .Об этом сообщил «Интерфаксу» в понедельник источник в администрации Кодорского ущелья.

Однако операция по освобождению заложников пока не начинается, так как планируется проведение переговоров с похитителями, сказал представитель администрации. Трое наблюдателей ООН и их переводчик были захвачены в Кодорском ущелье Грузии в четверг, 5 июня. Наблюдатели являются гражданами Германии и Дании, переводчик — гражданин Грузии.

(По странницам Интернета).

Военно-Техническое Обозрение

НАЙТИ И ОБЕЗВРЕДИТЬ

Не сегодня и не вдруг возникла довольно серьезная проблема — проблема гуманитарного разминирования. Суть ее в том, что в различных регионах мира после завершения военных конфликтов осталось до 300 миллионов мин и других взрывоопасных предметов (ВОП) различных типов, по-прежнему представляющих смертельную опасность как для гражданского населения, так и для специалистов, занимающихся их поиском и обезвреживанием.

Для безопасной проводки колонн техники и людей в условиях минной опасности, оперативной доставки групп разминирования к месту выполнения работ и эвакуации пострадавших в России серийно выпускается бронированная машина разминирования БМР-3М, выполненная на базе танка Т-90. Она оснащена колейным катково-ножевым тралом и уникальной защитой экипажа от поражающих факторов взрыва не только противопехотных (фугасных и осколочных) и противотранспортных, но и противотанковых (противогусеничных и противоднищевых) мин с большой массой основного заряда взрывчатого вещества. Предшественница ее — БМР на базе танка Т-55 — успешно использовалась в 80-е годы XX века в Афганистане и помогла сохранить не один десяток жизней. Неоднократно экипаж БМР оставался в живых после подрыва под гусеницей зарядов взрывчатых веществ массой в несколько десятков килограммов, значительно превышающих массу зарядов самых тяжелых противотанковых противогусеничных мин. При необходимости машина может комплектоваться блокиратором радиовзрывателей, электромагнитной приставкой типа ЭМТ для траления мин с магнитными взрывателями, оборудованием для борьбы с минами с сейсмооптическими взрывателями и комплексом динамической защиты.

При разработке и расчистке завалов зданий и сооружений, которые могут содержать ВОП, ремонте и прокладке дорог и колонных путей в условиях минной опасности эффективно использование бронированной инженерной машины разграждения ИМР-3. Она выполнена на базе танка Т-72, оснащена гидравлической стрелой-манипулятором со сменным рабочим оборудованием и ножевым гидравлическим отвалом для расчистки местности от растительности и обломков зданий, снятия и удаления за пределы прохода слоя грунта, в котором могут находиться инженерные мины и другие ВОП. Экипаж размещается в бронированном корпусе, надежно защищающем от поражающих факторов взрыва различных ВОП.

Для повышения безопасности поиска и обезвреживания ВОП может успешно применяться мобильный робототехнический комплекс МРК-27 на шасси с изменяемой геометрией гусеничного обвода, имеющий манипулятор с пятью степенями подвижности, до шести телекамер и комплекс сменного инструмента.

При массе комплекса 170 кг грузоподъемность манипулятора — до 20 кг при радиусе действия 1,5 м. Радиус действия комплекса составляет до 200 м при времени работы до четырех часов. Кроме решения задач разминирования, комплекс может использоваться при поиске химически опасных и радиоактивных веществ и их дезактивации.

Из средств поиска мин и других ВОП хотелось бы отметить индукционные миноискатели серии «Медуза», подповерхностные локаторы — георадары, термограф «Иртис» и портативные переносные рентгеновские комплексы.

Для эффективного поиска мин и других ВОП как на открытой местности, так и в условиях городской и промышленной застройки разработаны и серийно производятся миноискатели серии «Медуза», значительно превосходящие имеющиеся аналоги по своей чувствительности, селективности и удобству эксплуатации. Они позволяют вести поиск ВОП на фоне многочисленных посторонних металлических предметов (осколков, боеприпасов, пуль, гильз, бытового и строительного мусора, металлоконструкций) независимо от степени минерализации грунта. Визуальный условный двухмерный образ объекта поиска выводится на жидкокристаллический дисплей и сопровождается выдачей разнотональных звуковых сигналов. Одним из режимов работы миноискателей является поиск объектов только заданного типа с пропуском всех остальных металлических объектов, например поиск инженерных мин с пропуском осколков, пуль и гильз. Стоит отметить, что миноискатели серии «Медуза» — одни из немногих миноискателей, способных надежно обнаруживать в грунте такой малозаметный объект поиска, как печально известная по Афганистану итальянская противопехотная фугасная мина. В 80-е годы прошлого века эту мину надежно «находила» только нога человека.

К сожалению, глубина поиска ВОП с помощью индукционных миноискателей не превышает 1,5—2 м даже по крупным объектам, типа артиллерийский снаряд калибра 122—152 мм и авиабомб калибра более 50 кг. Поиск ВОП на большей глубине и ВОП, не содержащих металлических деталей (например бескорпусные заряды минных колодцев из взрывчатого вещества в насыпном виде или шашек), должен проходить с помощью других приборов — подповерхностных локаторов-георадаров, например серии «Око» российского производства.

Такие приборы особенно эффективны при поиске одиночных крупных боеприпасов на глубинах до 6 м, складов боеприпасов и другого снаряжения, схронов, подземных ходов и коммуникаций, захоронений, оценки состояния грунта в зоне выполнения поисковых и строительных работ.

Портативный компьютерный термограф «Иртис», предназначенный для визуализации тепловых полей и дистанционного определения температуры различных объектов, позволяет значительно повысить безопасность и эффективность поиска различных ВОП. Особенно эффективен прибор при поиске и обезвреживании противопехотных осколочных и фугасных мин, установленных на поверхности грунта, зарядов в зданиях и сооружениях. Перепад температур, который способен обнаружить прибор, составляет всего 0,05°С; имеется возможность запоминания большого количества тепловых изображений различных объектов и последующей их компьютерной обработки (например автоматического сравнения). Этот прибор может использоваться также для поисково-спасательных работ, мониторинга состояния промышленного оборудования, транспортных средств, строительных конструкций и экологического мониторинга.

Переносные рентгеновские комплексы серии «Шмель» и «Норка» российского производства могут эффективно применяться при поиске различного рода ВОП в зданиях, сооружениях и багаже, когда использование других средств и приемов затруднено.

От других зарубежных аналогов приборы российского производства отличаются высокой надежностью работы в различных погодно-климатических условиях, простотой эксплуатации и обслуживания.

При всем этом одним из самых важных факторов при выполнении операций гуманитарного разминирования остается человеческий. От квалификации, опыта специалистов и материальных стимулов зависят результаты работы.

(По материалам зарубежной печати).

ОРОМГОҲЛАР ОРОМГА ШАЙ

Болажонлар ёзги таътилга чиқишганига ҳам мана, ўн кундан ошаяпти. Улар тўққиз ой давомида худди катталардек ерталаб мактабга шошилиб, кечқурун устозлари буюрган уй вазифаларини бажаришга ўтиришади. Кичкина жуссалари билан компьютер сабоқларини, турли хил чет тилларни эгаллашга интилишади. Ҳозида ўзлаштира олмаётган фанлари юзасидан қўшимча дарс олишга мажбур қиламиз, биз уларни. Хуллас, мактаб сабоқларини муваффақиятли якунлаб, таътилга чиққан болажонларни уч ой давомида мириқиб дам олишга ҳақлари бор. Бу борада фарзандларимиз учун энг қулай дам олиш масканлари болалар оромгоҳларидир. Республикамиздаги юзлаб ана шундай оромгоҳлар жажжи «меҳмонлар»ни кутиб олиш учун шай ҳолатда турибди. Ҳозида Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги Тошкент вилояти Хондойлиқ қишлоғида жойлашган «Тонг» ҳамда Самарқанд вилояти Омонқўтан қишлоғидаги Ёқуб Турсунов номидаги болалар оромгоҳлари ҳам шулар жумласидандир. Биз ушбу дам олиш масканларида амалга оширилган ишлар, яъни болаларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун кўрилган тайёргарликлар юзасидан Мудофаа вазирлиги Ҳарбий оилалар билан ишлаш бўлими бошлиғи Моҳида Отабоева билан суҳбатда бўлдик.

— Давлатимиз, Мудофаа вазирлиги томонидан нафақат ҳарбийларимиз, балки, уларнинг оила аъзолари ва фарзандларига берилаётган катта эътиборни мана шу оромгоҳлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин, — дейди мамнуният билан Моҳида опа. — Куни кеча «Тонг» болалар оромгоҳидаги тайёргарлик ишларини Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармасининг бошлиғи вазифасини бажарувчи полковник Фёдор Банин билан биргаликда бориб кўрдик. Ушбу маскандаги барча бинолар тўлиқ таъмирдан чиқарилган. Хоналар барча керакли жиҳозлар билан таъминланган. Ҳовли ва боғлар ораста. Болаларни олти маҳал иссиқ овқат билан таъминлаш учун озиқ-овқат захирасига етарлича эътибор қаратилган. Ҳатто улар билан ўтказиладиган турли хил тадбирлар, кўнгилочар ўйинлар ва мусобақалар учун хилма-хил совғалар ҳам тайёрлаб қўйилган. Ўн биринчи июндан бошлаб бу масканда болаларнинг шодон қийқириғига гувоҳ бўлишингиз мумкин. Уч ой давомида бу ерда ҳарбий хизматчиларнинг 1500 та фарзандлари ёзги таътил гаштини суришади.

Самарқанд вилоятидаги Ёқуб Турсунов номли иккинчи болалар оромгоҳи эса ўн олтинчи июндан бошлаб фарзандларимизга бағрини очади. Бу ерда ҳам барча тайёргарлик ишлари якунланган. Бироқ, ушбу болалар дам олиш маскани тоғлик ҳудудда жойлашганлиги учун у ернинг об-ҳавосини ҳисобга олган ҳолда июннинг ўртасидан иш бошлайди. Уч ой давомида бу масканда 750 нафар болажонлар мириқиб ҳордиқ чиқаришлари мумкин. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Мудофаа вазирлигига қарашли иккала болалар оромгоҳи ҳам фарзандларимизнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун хизматга шай.

М. Отабоева билан суҳбат давомида билдик-ки, оромгоҳлардаги дам олувчи ҳар бир бола учун Мудофаа вазирлиги томонидан 51 минг сўмдан маблағ сарфланар экан. Бироқ, ҳарбий хизматчиларга берилаётган катта эътибор туфайли улар фарзандларининг бир ой давомида ҳордиқ чиқаришлари учун оромгоҳ йўлланмасини ўн баробар арзонга, яъни беш минг юз сўмдан олиш имкониятига эгалар. Бу ҳам ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига берилаётган имтиёзлардан биридир.

Суҳбатимиз муаммоларга келиб тақалганда, оромгоҳларга ўзбек тарбиячиларининг зарурлиги, педагогик мутахассислигига эга бўлган тажрибали, ўзбек тилини мукаммал эгаллаган тарбиячилар кераклиги тўғрисида гапириб ўтди. Агар мана шундай талабга жавоб берадиган тарбиячилар бўлса, улар билан боғланишини таъкидлади.

Зулфия ЮНУСОВА.

Ҳадемай мактабларда давлат имтиҳонлари ҳам якунига етиб, ёш авлод мустақил ҳаёт сари парвоз этади. Қайсидир соҳани эгаллашга, ҳаётдан ўз ўрнини топиб олишга ҳаракат қилишади. Ёзги таътилга чиққан болажонлар эса оромгоҳларда мириқиб дам олишади, маҳалласини обод қилиш йўлида жавлон уришади. Умуман, бугунги ёш авлодга қараб, келажагимизнинг ишончли давомчилари шаклланаётганини кўриш мумкин.

Александр МРУЧАК суратга олган.

ТОШКЕНТДА ЯНГИ УНИВЕРСИТЕТ

Мана ёзнинг биринчи ойи келиб, мактаб ўқувчиларининг таътиллари ҳам бошланди. Аммо битирувчилар ҳаяжонли дамларни бошидан кечирмоқда. Бирор бир касб эгаси бўлиш учун олий ва ўрта махсус билим юртларига имтиҳон топширадиган кунлар тобора яқинлашмоқда. Ўқиш учун мамлакатимизда юзга яқин олий ва қўплаб ўрта махсус билим юртлари мавжуд. Ўтган ўқув йилидан бошлаб фаолият юритаётган Тошкент Халқаро Вестминстер университети ёшларнинг мукаммал таълим олиши учун имкон яратувчи яна битта илм ўчоғи бўлди. 2002 йил 16 январда ҳукумат қарори билан ташкил этилган бу университет Лондон халқаро Вестминстер университети андозалари асосида қурилган. Бу таълим даргоҳида нафақат Ватанимиз учун, балки бошқа давлатлар учун ҳам кадрлар тайёрланади.

Бу дегани, университетга нафақат Ўзбекистондан, балки келгуси йилдан бошлаб бошқа давлатлардан ҳам ёшлар келиб таҳсил олишлари мумкин. Дарсларнинг фақат инглиз тилида олиб борилиши ҳам фикримиз далили бўла олади. Кириш тестлари ҳамда имтиҳон натижаларини текшириш халқаро инглиз тили системаси — Британия кенгаши томонидан бошқарилади.

Университет ташкил этилганида бир йўла барча соҳадаги йўналишларни ташкил этишнинг иложи йўқ эди. Шу сабабли ижтимоий ҳаётда муҳим роль ўйнайдиган Бизнес бошқаруви, Информацион технологиялар, Иқтисод ва ҳуқуқ соҳаларидаги йўналишлар ташкил этилди. Биз университет проректори Баҳром Абдуҳалимовни суҳбатга тортганимизда келажакда бир қанча ижтимоий йўналишларни ташкил этиш режаси бор эканлигини айтди.

Кадрлар масаласига келсак, ўқитувчилар асосан Англия, Америка Қўшма Штатлари ҳамда Австралиядан келишган. Шу билан биргаликда, хорижда ўқиб ёки малака ошириб, магистр дипломини олиб келган ва «Умид» гранти совриндори бўлган маҳаллий ўқитувчи кадрлар ҳам жалб қилинади. Чет эллик ўқитувчилар орасида доимий Ўзбекистонда ишлаб ва яшаб қолиш учун келганлари ҳам бор. Ўқув ишлари бўйича биринчи проректор Алан Франс жаноблари ҳамда Информацион технология йўналиши декани жаноб Метью Волкли каби кадрлар ана шундай ўқитувчилар сирасидан.

Университетда жаҳоннинг илғор тажрибаси асосида билим берилишида хориждан келтирилган энг сўнгги технология намуналарини кўриб, яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Ахборот манбаалари марказида мавжуд бўлган мултимедиа маркази, ундаги овоз ёзиш студиялари жаҳоннинг энг сўнгги технологиялари асосида қурилган эди. Шу пайтгача хориждан 160 та компьютер келтирилган. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Айтиш мумкинки, келтирилган компьютерларнинг барчаси Пентиум-4 компьютерларидир.

— Қутубхонамизда эса 7,5 мингта китоб бўлиб, шундан 70 фоизи инглиз тилидаги мутахассисликка доир адабиётлар, 10 фоизи асосан тарихимиз ва маънавий қадриятларимизга ўзбекча ва 20 фоизи бошқа тиллардаги китоблардир, — дейди биз билан суҳбатда кутубхона ходими.—Ўқув залининг ўзи икки бўлимдан иборат — баҳс зали ва ўқув зали. Қўшимча ёруғлик учун ҳар бир столга биттадан чироқлар ўрнатилган.

Жорий ўқув йилида университетга 320 та талаба қабул қилиш мўлжалланмоқда. Шундан 50 фоизи грант, 50 фоизи шартнома асосида ўқишади. Яна бир нарсани айтиб ўтиш жоизки, келгуси ўқув йилидан чет эллан ҳам ёшлар қабул қилинади. «Нега биринчи йилда улар қабул қилинмади?», деган саволимизга университет ректори Абдужаббор Абдувоҳидов шундай жавоб берди: «Меҳмон чақирсак ҳам аввал тайёргарлик кўрамиз. Биз улар учун биринчи йил яхши шароит яратиб бера оламизми, йўқми, бунга тайёрмизми, билмасдик. Мана бу йил бемалол дунёнинг ҳар қандай давлатидан келган талабаларни қабул қила оламиз».

Анвар ЮСУПОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

● ҚАРОР ВА ИЖРО

ТАДБИРКОРГА ҲИЙЛАКОРЛИК ЯРАШМАЙДИ

Муомалага чиқарилаётган нақд пулларнинг банк муассасалари орқали айланиши иқтисодиёт барқарорлашувининг муҳим шартидир. Маблағларнинг банкдан ташқари айланиши давлат бюджетининг даромад қисмига салбий таъсир кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, мукаммал пул-кредит сиёсати юритишни қийинлаштирибгина қолмай, даромадни солиқдан яшириш имконини ҳам келтириб чиқаради. Бугунги кунда нақд пул билан савдо сотиқ қилувчи айрим фуқаролар орасида айнан шундай ноқонуний, лекин ўзи учун «қулай» йўлдан бориш-га уриниш ҳоллари кузатилмоқда.

Бундай ҳолларга барҳам бериш мақсадида кейинги вақтда ҳукуматимиз томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Бу борада ўтган йил август ойида Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Мазкур қарор ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти органлари томонидан муайян ишлар амалга оширилянти. Ўтган йили шу йўналишда ҳуқуқбузарликка йўл қўйган хўжалик юритувчи субъектлардан бюджетга қирқ миллиард сўмга яқин маблағ ундирилган бўлса бу йилнинг биринчи чорагидаёқ ушбу кўрсаткич қариб ўн миллиард сўмни ташкил этди.

— Амалга оширилаётган қатъий чора-тадбирларга қарамай, айрим хусусий тадбиркорлар томонидан катта миқдордаги нақд тушумларни назорат-касса машинасидан ўтказмасликка ҳаракат қилиш ҳоллари камаймаяпти, — деди департамент масъул ходими Азамат Эргашев ЎзА мухбирига. — Тезкор тадбирлар ўтказиш чоғида тошкентлик хусусий тадбиркор А. Аҳмаджонов 74 миллион сўмликдан энёд керамик плиталарни нақд пулга сотиб, савдо тушумларини назорат-касса машинасидан ўтказмаганлиги аниқланди. Фарғоналик тадбиркор Қ. Аҳарҳўжаев эса қонунга хилоф равишда давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган 1 миллион 133,8 минг сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан атайин бўйин товлагани отмагандай, савдо фаолияти юзасидан тушган 12 миллион 628,6 минг сўм нақд пулни назорат-касса машинасидан ўтказмаган.

Шу билан бирга, кейинги пайтда баъзи бир «уддабурон» тадбиркорлар ҳам пайдо бўлдики, улар назорат-касса машиналарини ўз манфаатларига ишлашга «мажбур» қила бошлади.

— Сирғали туманидаги «Карвонсирғалиавто» ижара мажмуида фаолият юритаётган хусусий тадбиркор С. Зокировнинг дўконида ўтказилган текширув вақтида нақд пул тушуми 216,8 минг сўмни ташкил қилди, — деди Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Баҳодир Умаров. — Лекин тадбиркор шу кунгача банкка ўрта ҳисобда 60 минг сўмдан топшириб келган. Бу ҳол бизда шубҳа уйготиб, унинг назорат-касса машинаси махсус текширувдан ўтказилди. Маълум бўлишича, «Меркурий-115 Ф» русумли аппаратга махсус «чип» ўрнатилган экан. Бу мослама орқали машинадаги рақамлар исталган пайтда орқага қайтарилиб, маблағлар шу йўл билан ўзлаштириб келиниганн ойдинлашди.

Шу воқеадан сўнг бошқарма ходимлари томонидан инкасса тартиби юзасидан олиб борилаётган назорат тадбирларида назорат-касса машиналарининг қай ҳолатда ишлатилаётганига ҳам жиддий эътибор қаратилди.

Мирзо Улуғбек туманидаги «АСО» хусусий фирмасига қарашли «Настарин» кафесида ўтказилган текширишда назорат-касса машинаси олдидаги кунлик касса чеклари ҳисоблаб кўрилганда 93 минг сўмлик савдо қилинганн маълум бўлди. Касса машинасининг умумий кўрсаткичи эса 40,2 минг сўмни кўрсатарди. Аппарат махсус текширувдан ўтказилганда унинг хотирасига ўзгартириш киритилгани аён бўлди. Шу тумандаги «Бибигон» қаҳвахонасидаги касса машинасига урилган 29,3 минг сўмлик 80-чек ўчириб ташлангани, аниқроги унинг микросхемаси қалбакилаштирилгани ошкор бўлди.

Акмал Икромов туманида иш юритаётган хусусий тадбиркор Г. Туронов ҳам назорат-касса машинаси билан ишлаш тартибини қўпол равишда бузиб, 493,3 минг сўм нақд пулни инкассация қилмасдан ўзлаштириб юборганн аниқланди.

Шайхонтоҳур туманидаги хусусий тадбиркор А. Баратовга қарашли «Мустақил» дўконида шу йил 26 майда ўтказилган текширишда назорат-касса машинасида нақд пул тушумидан 289 минг сўм камомад борлиги ҳамда савдо шохобчасидаги товарларнинг кўпчилиги божхона кўригидан ўтмагани маълум бўлди. «Савдоэлектроника» шўъба корхонаси томонидан берилган хулосага асосан мазкур дўкондаги касса машинасида солиқ идорасининг муҳри йўқлиги, машинанинг кунлик кўрсаткичини ишлатган пайтда камайтириш мумкинлиги маълум бўлди.

Жорий йилнинг 23 майида Вазирлар Маҳкамасининг «Назорат-касса машиналаридан фойдаланишда жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор юқоридаги салбий ҳолатларга барҳам бериш, назорат-касса машиналарининг техник ҳолати ва уларнинг тўғри қўлланилиши учун жавобгарликни ошириш борасида муҳим аҳамият касб этади.

Қайд этилганидек, эндиликда назорат-касса машиналарини мамлакатимизда ишлаб чиқарувчилар, уларни етказиб берувчилар ва улардан фойдаланувчилар, шунингдек, уларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш корхоналари фойдаланилаётган назорат-касса машиналарининг белгиланган техник талабларга мувофиқлиги, машинанинг даромад яширилишига кўмаклашувчи фискаль хотирасига хизмат кўрсатувчи дастурнинг ноқонуний ўзгартирилганлиги учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тўлган тартибда жавоб беради.

Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар фискаль хотирага хизмат кўрсатиш дастури бузилган ҳолда техник талабларга мувофиқ бўлмаган назорат-касса машиналаридан фойдаланган тақдирда улардан солиқ органлари томонидан энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари миқдорида, қонда бузиш такрорланганда эса энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари миқдорида жарима ундирилади.

Мазкур қарорга мувофиқ солиқ органлари томонидан солинган жарима қонда бузувчи томонидан тўланмаган тақдирда, суд ижрочилари ундирувни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда айбдор шахснинг молмулкига қаратади.

Айни кунларда Давлат солиқ қўмитасида мазкур қарор ижроси бўйича «Аҳоли билан нақд пулда ҳисоб-китоблар амалга оширилишида назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби»нинг янги таҳририни ишлаб чиқиш ҳамда қарордан келиб чиқиб, қонунчиликка киритилиши лозим бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича таклифлар тайёрлашга киришилди.

Шунингдек, назорат-касса машиналарининг фискаль хотирасига хизмат кўрсатиш дастурини ўзгартириш ҳолатларини аниқлаш юзасидан услубий қўлланма тайёрланяпти. Назорат-касса машиналарини қўллаш ва улардан фойдаланишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши устидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти билан ҳамкорликда назорат ишлари кучайтирилмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

ВМЕСТЕ ПРОТИВ ОБЩЕЙ БЕДЫ

Проблема Арала сегодня приобрела масштабы глобальной экологической катастрофы, влияющей в большей или меньшей степени на природные процессы в мире.

Заблуждением было бы считать, что решение этой проблемы — дело только одного Узбекистана. Данная проблема может быть решена лишь коллективными усилиями всех заинтересованных сторон, желанием различных стран оказать посильное содействие в этом вопросе.

Хорошим примером, который как нельзя лучше дает представление о конкретном международном взаимодействии, является деятельность германского общества «Вода для детей Аральского моря», которое находится в Берлине.

Председатель правления этой организации, журналист-теледокументалист Иоахим Чирнер в беседе с корреспондентом ИА «Жахон» рассказал следующее:

— Общество было создано в ноябре 1996 года, вскоре после того, как наша съемочная группа возвратилась из района Приаралья, где мы воочию убедились в том, что проблема Арала требует широкого международного сотрудничества.

Поэтому в качестве одной из основных своих целей, которую мы поставили перед собой, стало оказание региону гуманитарной помощи, в том числе оснащение медицинских учреждений Каракалпакстана необходимым медицинским оборудованием, другими средствами первой помощи, а также создание инфраструктуры по обеспечению населения чистой питьевой водой.

Конечно, все это требует немалых финансовых средств, если учитывать то, что деятельность общества является благотворительной. Материальную помощь мы получаем от представителей политической, экономической и культурной элиты Германии, гуманитарных организаций страны, средств массовой информации.

Здесь я хочу особо подчеркнуть, что именно СМИ ФРГ способны донести до немецкой общественности всю глубину проблемы Аральского моря, информацию о предпринимаемых Узбекистаном усилиях по ее решению, реальных успехах, что в конечном итоге приведет к более широкому пониманию немецкой общественностью сути данного вопроса.

Приведу один эпизод. Когда по телевизионным каналам ФРГ демонстрировался снятый нами документальный фильм, рассказывающий о данной катастрофе, ее последствиях для региона в целом, его зрителями стали более 500 тысяч человек. Для документального фильма, транслируемого не в самое лучшее эфирное время, — это большая цифра. В итоге мы получили множество обращений, из которых стало ясно, что и в Германии все меньше остается равнодушных к проблеме Арала и проживающих в этом регионе людей.

Для нас особенно важно осознавать тот факт, что наша деятельность тесно переплетается с работой соответствующих структур Узбекистана — Международного фонда по спасению Арала, Комитета Красного Полумесяца Узбекистана, организаций Республики Каракалпакстан.

— Что касается наших ближайших целей, то одной из них является проект по реконструкции и оснащению необходимым медицинским оборудованием детского отделения туберкулезного диспансера г. Нукуса, который мы планируем завершить к концу текущего года, — отметил И. Чирнер, завершая беседу.

Аслам АКБАРОВ,
ИА «ЖАХОН», Берлин.

ЎЗБЕКИСТОН МИСР ГАЗЕТАСИ НИГОҲИДА

Мисрда чиқадиган «Ал-Мустақбал» газетаси ўзининг биринчи саҳифасида чоп этган бош мақола сарлавҳасини «Имом ал-Бухорий, Ибн Сино ва ал-Хоразмий Ватани — Ўзбекистон демократия йўлидан бормоқда», деб номлади.

Мақола муаллифи мисрлик журналист Маҳмуд Сулаймон Ўзбекистон тарихи тўғрисида тўхталар экан, шу замин дунёга тақдим этган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Абу Райҳон ал-Беруний, ал-Замахшарий каби буюк аждодларимизнинг фалсафа, тиббиёт, фалакиёт, риёзиётга оид нодир ва бебаҳо асарлари ҳамда уларнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссаси тўғрисида муфассал маълумотлар келтирган.

Шу билан бирга, муаллиф уларнинг бой меросини ўрганиш ва хотирасини абадийлаштириш баробарида миллий қадриятларни асраб-авайлаш борасида мамлакатда амалга оширилаётган хайрли ишларни қайд этган.

Айни пайтда мақолада Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганидан сўнг республикада демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, миллатлараро тотувликни сақлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар ҳамда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар тўғрисида ахборот берилган.

Саҳифадан, шунингдек, мамлакатимиз ҳаётини акс эттирувчи қатор суратлар жой олган.

«ЖАҲОН» АА.

Испания Ўзбекистонни кашф этмоқда

Профессор Леонсио Кабреронинг Москвага келишидан мақсади «Испания Самарқандни кашф этмоқда» номли маърузани ўқиш эди.

Шунингдек, бу йил Кастилия қироли Энрике III Самарқандга дипломатик миссия йўллаганига олти юз йил тўлди. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилиши тарихида бу жуда муҳим сана ҳисобланади.

Бундан ташқари, Мадриддаги Комплутенсе университетининг профессори испан ва рус тилларида Руи Гонсалес де Клавихонинг расмларга бой «Кастилиянинг Самарқанддаги дипломатик ваколатхонаси (1403—1406)» китобини нашрга тайёрлаб уни чоп этди.

Ушбу китоб нусхаларидан бирини Испания Қироли Хуан Карлос 1 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга шу йилнинг январ ойида ушбу мамлакатга расмий ташрифи давомида топширган эди.

Айнан шу тадбирларнинг моҳиятини профессор Кабреро Москвадаги Испания маданият маркази ҳузуридаги Сервантес институтида бўлиб ўтган учрашув давомида йиғилганларга очиб берди.

Учрашувни Испаниянинг Россиядаги элчиси Хосе-Мария Роблес Фрага очди. У меҳмонни маърузани тинглаш учун йиғилган россиялик ва испаниялик олимлар, журналистлар, дипломатик ҳайъат вакиллари билан таништириб, Ўзбекистон вакилларини кўришдан мамнунлигини алоҳида таъкидлади.

Леонсио Кабреронинг Кастилия элчихонасининг Амир Темур давлати билан алоқалари тўғрисидаги ажойиб маърузаси давомида Ўзбекистон тарихи ва бугунги кунига бағишланган слайдлар ҳам намойиш этилди.

Олег ШАТУНОВСКИЙ,
«Жаҳон» АА мухбири,
Москва.

Япон тили дарсликлари —Самарқандга

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил Кунчиқар мамлакатга амалга оширган ташрифи чоғида ўзбек ва япон халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашда таълим соҳасининг роли катта эканлигига эътибор қаратган эди. Бу борада, хусусан, япон тили ва адабиётини чуқур ўзлаштираётган ўзбек талабалари ҳамда ўзбек тили ва адабиётини қунт билан ўзлаштираётган японияликлар ёшларга алоҳида умид билдирилди.

Қайд этиш жоизки, республикамизда япон тилини ўрганиш жуда яхши йўлга қўйилган. Ёшларимиз нафақат Тошкентда балки Самарқанд ва Фарғонада ҳам Кунчиқар мамлакат тилини катта қизиқиш билан ўрганишмоқда. Мазкур йўналишда мунтазам равишда таҳсил олаётганлар ўртасида республика танловлари уюштирилянти. Қувонарли томони шундаки, ўзбекистонлик талабалар МДҲ ва Марказий Осиё минтақаси доирасида ўтказилаётган қатор нуфузли беллашувларда етакчи ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Шундай бўлсада, ҳозирги кунда япон тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан япон тилига ўгирувчи таржимон-синхрончилар ҳамда адабий асарлар таржимонлари етишмайди.

Юқоридаги ҳамкорликни давом эттириш мақсадида яқинда Японияда энг обрўли ўқув даргоҳларидан бири Кейо университети томонидан Самарқанд давлат чет тиллар институтига япон тилини ўрганувчилар учун махсус адабиётлар ҳадя этилди. Ушбу дарслик китобларини самарқандлик талабаларга етказиб беришда Токиодаги Сетагая хотин-қизлар жамияти раҳбари К. Окуи, Ўзбекистоннинг Японияда элчихонаси ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ўз улушларини қўшишди.

«Жаҳон» АА.

ЯНГИ «КЕЙС»ЛАР КЕЛДИ

«Ўзагромашсервис» уюшмасидан ЎзА мухбирига берилган хабарга кўра, Ўзбекистон ҳукумати топшириги бўйича ташқи савдо фирмаси томонидан харид қилинган 100 та янги «Кейс» галла ўриш комбайни мамлакатимизга келтирилди.

«Кейс»лар ортилган бир қанча эшелон Бухоро, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига жўнатилди. Ушбу комбайнлар бошқа вилоятларга ҳам етказиб берилади.

«Ўзагромашсервис» уюшмаси экспертларининг сўзларига қараганда, ушбу қишлоқ хўжалик техникаси буюртмачи хоҳиши ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқарилган ва Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитида ишлашга мослаштирилган. Вилоят ва туманлардаги машина-трактор парклари «Кейс»ларни бошоқли дон ҳосилини йиғиштириб олиш учун тайёрлайди.

Жами бўлиб 2003 йили галла ҳосилини ўриб-янчиб олиш учун уюшма бўлималари томонидан 4 минг 711 та комбайн тайёрланди, йиғиштириб олинган ҳосилни далалардан олиб кетиш учун эса 28 минг 600 та юк автомобили ва трактор ажратилди.

В. НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

«БОРСА КЕЛМАС»ГА ПОЕЗД БОРИБ КЕЛАДИ

Қўнғирот сода заводи қурилиши жадал суръатда давом этмоқда. Завод фойдаланишга топширилгач, унинг тўла қувват билан ишлаши кўп жиҳатдан хомашё заҳирасига боғлиқ.

Заводни асосий хомашё билан Устюрт кенгликларидаги «Борса келмас» туз кони таъминлаб турибди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, конда деярли уч юз йилга етадиган хомашё мавжуд. Ҳозирда «Борса келмас» туз конига олиб борувчи темир йўл қурилиши бошлаб юборилди. Бу муҳим иншоотни Нукусдаги 260-қурилиш-монтаж поезди бунёдкорлари бажаряпти. Етти ярим километр масофага тупроқ кўтарилиб, темир изларнинг ётқизилиши керак.

— Айни чоғда темир йўл қурилишида тупроқ кўтариш ишлари жадал олиб борилмоқда, — дейди Қўнғирот сода заводи қурилиши бош муҳандиси Озод Сержанов. — Бу ишларни «Қорақалпоқтранс» акционерлик жамиятлари ассоциацияси транспортчилари бажармоқда.

А. ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Экономика. Наука. Техника

«ПО СРОКАМ, ПО ПАРАМЕТРАМ И...»

Соглашение о введении с 2005 года российского рубля на территории Белоруссии как единого платежного средства практически готово. Об этом заявил вице-премьер России, министр финансов Алексей Кудрин на встрече с президентом Белоруссии Александром Лукашенко. «Практически есть полное понимание у сторон, как это сделать по срокам, по параметрам и наполнению», — сказал Кудрин. По его словам, создание единого экономического пространства состоит из многих сложных задач, венцом которых является введение единой денежной единицы в Союзном государстве.

«СИНО»НИНГ ЯНГИ МУЗЛАТГИЧЛАРИ

«Сино» акциядорлик жамиятида БМТ тараққиёт дастурининг 1,5 миллион долларлик лойиҳаси тўлиқ якунланди.

— Илгарилари музлатгичларимиз девор ва эшиклари оралиғидаги бўшлиқни тўлдириш учун ХФУ (хлорфторуглерод) — 11 суюқлигидан, совутувчи модда сифатида ХФУ-12 суюқлигидан фойдаланар эдик, — дейди жамият раисининг ўринбосари У. Облақулов. — Бу эса атроф-муҳитга, аниқроғи озон қатламининг емирилишига таъсир кўрсатарди. Шу боис юқоридаги лойиҳа асосида завод қайтадан замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Бу ишлаб чиқариш жараёнида экологик безарар бўлган совутувчи моддалардан фойдаланишга имкон беради.

Муҳими, ишлаб чиқарган музлатгичларида озон қатламини емирувчи моддалардан фойдаланган давлатлар учун жаҳон бозорининг эшиклари ёпилган бир пайтда, ушбу лойиҳа «Сино» корхонасига улкан имкониятлар берди.

Лойиҳа асосида олиб келинган асбоб-ускуналар ўрнатилишини кўздан кечирган БМТ тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Ричард Конрой бошчилигидаги мутахассислар бажарилган юмушларни ижобий баҳолади. Томонлар лойиҳа тўлиқ якунланганлиги хусусидаги ҳужжатларни имзолади.

СОКРОВИЩЕ НИМРУД

Всемирно известное сокровище Нимруд, судьба которого была неизвестна с момента взятия Багдада два месяца назад, было обнаружено в сохранности в Центральном банке страны. Сокровище было спрятано в канализации. Кроме того, стало известно, что пропавшими числятся теперь лишь менее 50 предметов из экспозиции иракского Национального музея в Багдаде. Сокровище Нимруд — золотые серьги, диадемы, браслеты, броши, перстни, ритуальные сосуды — было найдено в четырех гробницах ассирийских царей и цариц иракскими археологами в конце 1980-х годов.

РЕСПУБЛИКА ТОВАР-ХОМАШЁ БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржасида кичик ва ўрта бизнес субъектларига металлдан тайёрланган маҳсулотлар, ёғоч ва қурилиш материалларини сотиш бўйича савдо майдони самарали фаолият юритмоқда. Савдоларнинг ягона электрон тизимида брокерлар ушбу соҳа вакилларига қарийб 60 миллиард сўмлик маҳсулот таклиф қилди. Бу эса листингга киритилган товарлар турини анча кенгайтирди.

Ушбу савдо майдонида маҳсулотлар сотувининг умумий айланмаси 13,6 миллиард сўмни ташкил қилди. Шундан 4,1 миллиард сўмлик металлдан тайёрланган маҳсулот, 5,4 миллиард сўмлик ёғоч материаллари ва 4,1 миллиард сўмлик қурилиш материаллари сотилди.

Жорий йилнинг ўтган 5 ойи ичида товар-хомашё биржасида жами қиймати 68,6 миллиард сўмга тенг 2250 та шартнома тузилди. Шу жумладан 13,5 миллиард сўмлик экспорт, 25,5 миллиард сўмлик импорт, 24,3 миллиард сўмлик республика ичидаги ва 24,6 миллиард сўмлик фьючерс шартномалари тузилди. Савдолар умумий айланмасининг 75 фоизи кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келади.

ЎзА ва интернет материаллари асосида тайёрланди.

БАРКАМОЛ ШАХС ТАРБИЯСИ—УМУМИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хулоса аниқ: соғлом, ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш — умумиши, ҳар биримизнинг бурчимиз. Яъни, оддий фуқаро ёки ҳарбий, маданият соҳасидаги хизматчи ёки тадбиркор, олим ёки жамоат арбоби — ким бўлишимиздан қатъи назар бу сиз билан бизнинг вазифамиздир. Ва бу вазифалар бугун ҳар доимгидан-да долзарбдир.

Шу билан бирга соғлом, маънавий бой, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашни биз жамиятда кечаётган ислоҳотларнинг бугунги босқичи билан уйғун равишда олиб боришимиз лозим.

«Соғлом танда — соғ ақл» деб халқимиз бекорга айтмаган. Армиямиз куч-қудратининг муҳим омилларидан бири ҳам шунда. Шу маънода Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан кўзланган мақсадлар йўлидаги вазифаларни ҳал этишга Қуролли Кучларимиз ҳам алоқадор. Албатта, жамғарма иш бошлаганига унчалик кўп вақт ўтмаган бўлсада, бу соҳадаги аввалги қилинган ишларни ҳисобга олган ҳолда бугун саъй-ҳаракатларнинг ижобий маҳсулини кўриб турибмиз. Буларни биз, айниқса, бу йил бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» ва шу кунларда давом этаётган «Баркамол авлод» ёшлар спорт ўйинларида ва шунингдек, баҳорги чақирувда яққол сездик. Янги таҳрирда қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонун асосида ўтказилган баҳорги чақирув натижасида армиямиз ишончли, сифатли, жисмонан соғлом, интеллектуал, маънавий бой ёшлар ҳисобига бутланди. Яъни, Қуролли Кучларимиз олдида турган вазифаларни ҳал этишга янада масъулиятли ва иқтидорли ёшлар жалб этилди.

Бугун биз изчил ҳарбий ислоҳотлар даврида яшаяпмиз-ки турғунлик бизга ёт. Биз яшаётган замон ҳам бир неча йиллар аввалгидан фарқ қилади. Табийки, Қуролли Кучларимиз ҳам ушбу ўзгаришлардан четда эмас. Одамлар ҳам ўзгараяпти, уларнинг талаб ва эҳтиёжлари, дидлари ўзгараяпти. Бинобарин, Қуролли Кучларда олиб бораётган маданий, хизматдан холи вақтларни ташкил этиш, спорт ва оммавий ишларни уюштириш борасидаги фаолиятимизга Ҳомийлик кенгаши мажлисида муҳокама этилган масала нуқтаи назаридан қарасак, биз ўз саъй-ҳаракатларимизни истиқбол — келажак сари йўналтиришимиз лозим. Яъни, барча ҳарбий маданий-оқартув ва спорт муассасаларимизда турли клублар, техник, санъат, бадиий-ҳаваскорлик тўгараклари ҳарбийлар оилаларининг спорт ва соғломлаштириш гуруҳлари, болалар спорт секцияларининг фаолияти учун яхши шароитларни ташкил этишимиз лозим.

Айниқса, офицерлар уйи, ҳарбий қисм клублари, кутубхоналар, музейлар ва ижтимоий-сиёсий ахборот хоналарига техниканинг энг янги ютуқлари: аудио, видеотехникалар, лазерли, компакт-дискли радиотелеаппаратуралар, компьютер ўйинлари ва бошқа турли интеллектуал ривожланишга кўмаклашувчи техникаларни кенг ва тезлик билан жорий этишимиз керак.

Спорт секцияларини ташкил этиш ва ривожлантиришга катта эътибор беришимиз лозим, табийки бу секцияларга жамоатчилик асосида спорт разрядларига эга офицерларимиз бошчилик қилишлари мумкин. Ундайлар эса Қуролли Кучларимизда кўплаб топилади. Албатта, бунда спортнинг ҳарбий-амалий турларига кўпроқ эътибор қаратилмоғи лозим.

Юқорида зикр этилган вазифаларни бажаришда икки муҳим ҳолни алоҳида таъкидлаб ўтсак, яъни диққат-эътиборимизни қаратсак, фойдадан холи бўлмасди.

Биринчи. Барча спорт ва оммавий, клублар ва кутубхоналарда олиб бораётган фаолиятимизни асосий вазифамиз — ҳарбий бурчимизни виждонан ва моҳирона бажариш билан уйғун равишда олиб бормоғимиз лозим. Аниқроғи, қилаётган ишларимиз дала ва ҳаво машғулотларида кўникмалар ҳосил қилишга, жанговар навбатчилик, қоровул ва ички хизматни ўташга, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлашга кўмаклашмоғи лозим.

Иккинчи. Бу борада амалга ошираётган барча ишларимизни ҳарбий қисмлар жойлашган ҳудудлардаги аҳоли билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширишимиз лозим. Ўз Қуролли Кучларимизни ташкил этган биринчи кунларимизданоқ армия ва халқ якдиллиги, жойлардаги давлат ва жамоат ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа қилиш мамлакатимизда яхши анъанага айланган. Бу алоқаларнинг тарбиявий аҳамияти беқиёс. Чунки у нафақат Қуролли Кучларимизнинг жанговар шайлигини мустаҳкамлашга кўмаклашади, балки армиямиз нуфузини оширишга, халқимизда, айниқса ёшларимизда Ватан ҳимоячиларига бўлган ҳурмат ва эътиборни кучайтиради.

Хўш, бу борада биз қандай амалий ишларни қила оламиз? Менимча, Қуролли Кучларимизнинг спорт базаларидан янада унумлироқ фойдаланса мақсадга мувофиқ бўларди. Яъни, оталиқдаги ўқув муассасалари, корхоналар билан ўзаро турли спорт мусобақалари уюштириш, ҳарбий спортчиларимизнинг кўргазмали чиқишларини ташкил этиб, унга нафақат ҳарбийлар ва улар оилалари, балки ҳудуддаги оддий фуқароларимизни, айниқса, ёшларимизни таклиф этишни амалда тез-тез қўллаш албатта ўз самарасини беради.

Офицерлар ёки умуман ҳарбийлар оилалари орасида турли спорт-кўнгилочар ўйинларини ташкил этиш, уларни кенг тарғиб этиб, моддий ва маънавий рағбатлантиришни армиямиз ҳаётига татбиқ этсак, бу хайрли ишга ҳомийлик қилиш истагини билдирувчи ташкилотлар топилиб қолса ажаб эмас. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Давлат спорт қўмитаси, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Камолот» республика ёшлари ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» жамғармалари бундай хайрли ишдан четда қолмасликлари аниқ. Ўзбекистон телерадикомпанияси бундай мусобақаларни тарғиб этиш ва халқимизга етказишга сўзсиз ўз ҳиссасини қўшган бўларди, деб умид қилса бўлади.

Хуллас, бир сўз билан айтсак, иш шакллари турли-туман, уларни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Муҳими, ишга ижодий ёндашиш, энг самарали, мақсадга мувофиқ, жозибалилиги билан кишиларни ўзига жалб этадиган шаклларни излаб топиш, барча спорт ва оммавий, маданий, кўнгилочар ишларимизни соғлом, ҳар томонлама баркамол шахсларни тарбиялашга қаратмоғимиздадир.

Яна бир бор таъкидламоқ жоиз: вақт янги талабларни қўймоқда. Жамғарма кўзлаган мақсад — соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш, бизга эса жанговар ўқув вазифалари ва ҳарбий хизматчилар тарбияси борасида сезиларли ютуқларга эришиш учун одамларимизда ишга янгича, ижодий ёндашиш истак ва кўникмаларини ҳосил қилишимиз керак. Буни бизга ҳарбий-ватанпарварлик бурчимиз тақозо этади. Энг муҳими — ҳар биримиз мамлакатимиз келажаги, мустақиллигимиз тақдири, мана шу мўътабар ва мафтункор заминда яшовчи ҳар бир инсон учун масъул эканлигимизни доимо ёдда тутишимизда.

Полковник Ирисмуҳаммад АБДУКАРИМОВ.

● ҚУВНОҚ БИЛИМДОНЛАР БАҲСИ—2003

Капитан Дўсматов ва унинг „Тўполон“и

Якшанба куни пойтахтимиздаги Авиасозлар маданият саройи ҳарбийлар билан гавжум бўлди. Фақат ҳарбийлар билан десак, унчалик тўғри бўлмас. Уларнинг оила аъзолари, ёру биродарлари ҳам кўпчилик эди. Бу ердаги тадбирдан хабар топган шаҳарликлар ҳам шу ерда ҳозир бўлишди. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, залда бўш жой йўқ эди.

Саройда ҳарбийлар ўртасида ўтказилаётган Қувноқ билимдонлар баҳсининг финали бўлиб ўтди. Хабарингиз бор, финалга Тошкент ҳарбий округининг «Пойтахтлик жентелменлар», Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртининг «Қувноқ эскадрилья», Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг «СВАКЕР», Шимоли-ғарбий ҳарбий округнинг «Тўполон» жамоалари чиқишган эди.

Нуфузли жюри финалда ҳакамлик қилди. Ҳайъат раиси республикамизда ана шундай баҳсларни ўтказишни ташкилотчиси Андрей Каримов бўлди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдураим Абдуваҳобов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли режиссёр Шавкат Махбубов, истеъдодли қизиқчи Валижон Шамшиев, моҳир КВНчи Сергей Иронин ҳайъат аъзолари бўлишди.

Финал баҳсида ҳам мавзу ўша-ўша: «Маҳаллада дувдув гап». Бироқ шартлар янгича ва энг маъқул томони шундаки, ҳарбийларбоп этиб ишлаб чиқилибди.

Биринчи шарт, қутлов—«якшанба куни тонгининг бирида». Давом этиши —7 дақиқа, юқори баҳо —7 балл.

Иккинчи шарт, Сардорлар танлови— «Мен ўз касбимни ва ҳарбий қисмимни (билим юртимни) севаман». Бу шарт бўйича жамоа сардорлари хизмат қилаётган (билим олаётган даргоҳларининг) ўз ҳарбий округларининг, ҳарбий қисмларининг, касбларининг энг яхши бешта сифатини гапириб ёки кўрсатиб беришади. Давом этиши —5 дақиқа, юқори баҳо —5 балл.

Учинчи шарт. Мусиқали танлов— «Маҳаллада байрам». Давом этиши —10 дақиқа, юқори баҳо—7 балл.

Тўрттала жамоа ҳам баҳс бошиданоқ финалга жиддий тайёргарлик кўришганлигини намойиш этишди. Шу боис ҳам биринчи шартдан сўнг имкониятлар тенг эди. Иккинчи шартдан сўнг капитан Улуғбек Дўсматов сардорлик қилаётган «Тўполон» жамоаси бошқалардан бир оз олдинга чиқиб олишди. Учинчи шарт кимнинг ким эканлигини исботлади.

Курсант Шуҳрат Муҳиддинов сардорлик қилган «СВАКЕР» жамоаси тўртинчи ўринни эгаллашди. Шуни таъкидлаш керакки, бу жамоа финалгача жуда чиройли ўйин намойиш этишган эди. Лейтенант Элдорбек Ниёзов сардорлик қилган «Пойтахтлик жентелменлар» жамоаси тўплаган балларига кўра, учинчи погонадан жой олишди. Жамоа финалга жиддий тайёргарлик кўрибди. Лейтенат Фарҳод Рўзиматов сардорлик қилган «Қувноқ эскадрилья» иккинчи ўринни эгаллади.

Биринчи ўрин капитан Улуғбек Дўсматов сардорлик қилган «Тўполон» жамоасига насиб этди. Бу бежизга эмас, албатта. Биринчидан, сардор жуда билимдон, топқир ва қувноқ экан. Иккинчидан, унинг жамоаси аъзолари — катта лейтенант Бахтиёр Шомуродов, лейтенант Лочин Латипов, шартнома бўйича хизмат оддий аскарлари — Ширин Эримбетова, Юлдуз Мамутова, оддий аскарлар — Сунат Тангриқулов, Мансур Хушвақтовлар билимдонликда ҳам, қувноқликда ҳам сардорларидан қолишмас эканлар.

Совриндорларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Капитан Улуғбек Дўсматов энг кучли сардор деб эътироф этилди.

Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник **Маннобжон АҲМЕДОВ** баҳс сўнггида шундай деди:

— Бугун ҳарбийларимиз жанговар вазифаларни аъло даражада бажаришдан ташқари, аъло даражада маданий ҳордиқ ҳам чиқаришларини намойиш этишди. Одатда, бундай баҳсларда курсантлар жамоаси устун келар эди. Бу сафар бошқача бўлди. Округ жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Мен бу баҳс барча ҳарбийларимиз орасида оммалашиб бораётганлигидан беҳад хурсандман.

Андрей КАРИМОВ, баҳс ҳайъати раиси:

— Ҳарбийлар орасида ҳам кучли жамоалар бор экан. Улар республикамиздаги бошқа жамоалар билан ҳам бемалол беллаша олишади.

Бундай баҳслар тинчлик бор жойда ўтказилади. Ҳарбийларимиз тинчлигимизни ҳам сақлашяпти, билимдонлар баҳсларида ҳам фаол иштирок этишяпти. Мен бундан жуда хурсандман.

Абдураим АБДУВАҲОБОВ, ҳайъат аъзоси:

— Ростини айтсам, ҳарбийлардан бунчалик маҳоратни кутмаган эдим. Уларнинг саҳнадаги ҳаракатлари мени қувонтирди. Баъзи ижролар профессионал даражада бўлди.

Мана, баҳслар ҳам ниҳоясига етди. Ширин тортишувлар ортда қолди. Бугун подполковник Мақсуд Абиловнинг елкасидан тоғ ағдарилгандек. Чунки бу баҳсларнинг ташкилотчиси Мудофаа вазирлиги маданий ишлар хизмати. Подполковник М. Абилов ушбу хизмат бошлиғининг ўринбосари ва қувноқ билимдонлар баҳсининг энг фаол ташкилотчиларидан бири. Ортда қолган баҳслар шуни кўрсатяптики, бундай баҳсларни ўтказиш унинг иштирокчиларида ҳам, томошабинларда ҳам катта қизиқиш туғдиряпти. Фақат ўйинларнинг ўтказиш тартибини ўзгартириш керак, шекилли. Чунки битта баҳсда кўп жамоа қатнашса, вақт чўзилиб кетяпти. Финал ҳам тўртта жамоа иштирок этганлиги учун деярли уч соатча бўлди. Бундай вақт иштирокчиларни ҳам, томошабинларни ҳам толиқтиради.

Янги мавсум бошланишини иштирокчилар ҳам, томошабинлар ҳам интизорлик билан кутиб қолишади.

Подполковник Абдураззоқ ОБРУЕВ, «Ватанпарвар» мухбири.

Шахмат-шашка ўйинлари фақат кўнгилли дам олиш учун эмас, ақлни чархлаш учун ҳамдир.

Суратда: оддий аскарлар А. Исроилов ва Н. Охуновлар ўзаро беллашишмоқда.
Александр МРУЧАК суратга олган.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ! Конституцияни ўрганамиз

91. Конституцияга кўра, Ўзбекистонда хусусий мулк кимнинг ҳимоясида?

А) Юридик шахснинг.
В) Фуқаронинг.
С) Давлатнинг.
Д) Мулк эгасининг.
Е) Тадбиркорнинг.

92. Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари қайси жавобда нотўғри берилган?

А) Шахсий.
В) Сиёсий.
С) Иқтисодий.
Д) Ижтимоий.
Е) Маънавий.

93. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, инсон ва фуқароларнинг яшаш ҳуқуқи қандай ҳуқуқ ва эркинликлар гуруҳига киритилган?

А) Шахсий.
В) Ижтимоий.
С) Маънавий.
Д) Табиий.
Е) А, Д.

94. Қуйидагилардан қайси бири Ўзбекистон фуқароларининг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари доирасига кирмайди.

А) Сўз эркинлиги.
В) Фикрлаш эркинлиги.
С) Яшаш ҳуқуқи.
Д) Нафақа олиш ҳуқуқи.
Е) Ахборот излаш ҳуқуқи.

95. Тураржой дахлсизлиги ҳуқуқи Ўзбекистон фуқароларининг қандай ҳуқуқ ва эркинликлари гуруҳига киритилган?

А) Ижтимоий.
В) Маънавий.
С) Шахсий ва иқтисодий.
Д) Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар.
Е) Шахсий ва маънавий.

96. Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий ҳуқуқларига қуйидагилардан қайсилар киради?

А) Давлат органларига ариза билан мурожаат қилиш.
В) Митинг ва намойишлар ўтказиш, сўз эркинлиги.
С) Эркин касб танлаш, фикрлаш эркинлиги.
Д) Сиёсий партияларга аъзо бўлиш, ижод эркинлиги.
Е) Ҳамма жавоблар тўғри.

97. Ўзбекистонда мухолифатчи шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари масаласи қандай ҳал қилинган?

А) Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунлар билан алоҳида ҳимоя қилинади.
В) Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари имтиёзларга эга.
С) Бундай ҳуқуқ ва эркинликлар қонунларда кўрсатилмайди.
Д) Улар озчиликни ташкил қилганликлари учун эътибор берилмайди.
Е) Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳеч ким камситиши мумкин эмас.

98. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларга қуйидагилардан қайсилар киради?

А) Нафақа олиш, мулкдор бўлиш, яшаш.
В) Нафақа олиш, даволаниш, фикрлаш.
С) Нафақа олиш, меҳнат қилиш, шахсий дахлсизлик.
Д) Нафақа олиш, маданият ютуқларидан фойдаланиш.
Е) Нафақа олиш, яшаш, дам олиш.

99. Ўзбекистон Республикасида билим олиш ҳуқуқи қандай ҳуқуқлар гуруҳига киритилган?

А) Иқтисодий ва ижтимоий.
В) Иқтисодий ва илмий.
С) Иқтисодий ва шахсий.
Д) Шахсий.
Е) Маънавий ва сиёсий.

100. Фуқаро қуйидагилардан қайси ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга?

А) Сиртдан, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганда.
В) Хизмат сафарида бўлганда.
С) Боқувчисидан маҳрум бўлганда.
Д) Байрам кунлари ишлаганда.
Е) Ҳамма жавоблар тўғри.

ЖАВОБ БЕРУВЧИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР:

1. Ҳарбий унвони, исм-фамилияси: _____

_____

2. Манзили: _____

_____

3. Таклифлар: _____

_____

Давлат тест маркази, «Ватанпарвар» газетаси таҳририяти.

● ФУТБОЛ. ОЛИМПИЙСКИЙ ОТБОРОЧНЫЙ ТУРНИР

НУЖНА ЕЩЕ И СИЛА ВОЛИ

Олимпийская сборная Ирана — олимпийская сборная Узбекистана — 6:1.

Месяц тому назад, отправляясь на игру в Ташкент, олимпийская сборная Ирана имела в своем составе семь игроков из числа тех, кто принес ей победу на Азиатских играх в Пусане. Данное обстоятельство уже само по себе говорило о том, что нашим футболистам будет нелегко в этом поединке, но, согласитесь, такой беззубости мало кто ожидал. Конечно, вина за пропущенные тогда мячи целиком и полностью легла на защитников, но ради справедливости надо отметить, что и остальные линии узбекистанской сборной явно не блистали. Результат той встречи стал предметом серьезного разговора на должном уровне. Наставник команды Виктор Джалилов признал свои просчеты и подал в отставку. На ответную встречу стала готовиться молодежная сборная под руководством Виктора Борисова, проложившая, как известно, себе путь на чемпионат мира в Объединенные Арабские Эмираты. Это сообщение, обнародованное Федерацией футбола, вселило некую надежду, и именно ею жили все это время любители футбола. Но вот наступил день ответного матча, который поверг нас еще в большее уныние. На сей раз узбекистанцы пропустили вдвое больше. На чем опять споткнулись наши футболисты? По свидетельствам иранской прессы, сборная Узбекистана надломилась чисто психологически. Впрочем, было от чего. В первом тайме подопечные Борисова (состав мало чем отличался от предыдущего) повели в счете, но затем две грубые ошибки арбитра, и 2:1 — уже в пользу хозяев. Сначала он «придумал» нарушение правил вблизи нашей штрафной, а затем и вовсе «отважился» на 11-метровый, правда, настолько спорный, что даже у многих иранцев он вызвал недоумение.

После такого удара оправиться сборная Узбекистана, к сожалению, не сумела и вторую половину игры уступила вчистую. Думается, данный матч послужит хорошим уроком как нашим игрокам, так и тренерам, которые, теперь уж наверняка, убедятся в том, что футболисту необходимо не только отрабатывать «физику» и «технику», но и закалять свой характер.

Ярослав КОРУКА.

ВЕЛОСИПЕД ПОЙГАСИ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Ғузор тумани кенгаши ҳузуридаги «Оқ йўл» шўъба корхонаси томонидан спорт-техника клубида коллеж ва мактаб ўқувчилари ўртасида велосипед пойгаси бўлиб ўтди.

Пойгада Фирдавсий номли мактаб жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Шахсий биринчиликда Фирдавсий номли мактаб ўқувчиси Сарвар Каримов биринчи, 75-сонли мактаб ўқувчиси Аброр Ғуломов иккинчи, қишлоқ хўжалик коллежи ўқувчиси Музаффар Қодиров учинчи ўринга муносиб топилдилар.

Мусобақа ғолибларини кенгаш раиси О. Ғаффоров ва «Оқ йўл» шўъба корхонаси бошлиғи С. Хуррамовлар тақдирлашди.

Ш. НУРАЛИЕВА.

БАЛЛИ, ШАВКАТ!

Қозоғистон Республикасининг Тараз шаҳрида курашнинг таэквондо тури бўйича машҳур спортчи Г. Им хотирасига бағишланган халқаро турнир бўлиб ўтди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўсмирлари ўртасида ўтказилган ушбу мусобақада мамлакатимиз шарафини Бухоро вилоятининг Вобкент тумани таэквондочилари ҳимоя қилди.

Мусобақага ҳар томонлама пухта тайёрланган тумандаги 20-мактаб ўқувчиси Шавкат Очилов барча рақиблари курагини ерга теккизиб, ўз вазни тоифасида чемпионликни қўлга киритди. Шавкат шарафига юртимиз байроғи кўтарилиб, Ўзбекистон мадҳияси янгради.

Вобкентлик Бобир Қаюмов (5-мактаб) кумуш, шунингдек, Азамат Мадаминов ва Сирожиддин Умаров (21-мактаб), Исроил Муродов (1-мактаб) бронза медалларига сазовор бўлди.

— Мусобақа иштирокчилари орасида Европа ва жаҳон чемпионатлари совриндорлари бўлса-да, шогирдларим бўш келмади, — деди вобкентлик ёшлар мураббийси Рустам Шукуров. — Турнирда иштирок этган етти нафар спортчимиздан бештаси медаллар билан қайтди.

Н. САФАРОВ, ЎзА мухбири.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



Қуйида таърифланган сўзлар шакл айланасидаги рақамли хонадан кўрсаткич йўналишида ёзилади.

1. Тола олинадиган экин. 2. Табобат ва техникада ишлатиладиган кимёвий модда. 3. Замонавий мусиқа тури. 4. Танадаги аъзо. 5. Қимматли бойлик. 6. Миллат. 7. Миқдор, рақам. 8. Зиё, ёруглик. 9. Дурадгорлик маҳсули. 10. Асалари ҳосил қилувчи шифобахш модда. 11. Шоҳмот ўйинидаги ҳолат. 12. Еш от. 13. Кўча қисми. 14. Болтиқбўйи давлати валютаси. 15. Сутка қисми. 16. Сersув мева. 17. Нил фасли. 18. Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достони қаҳрамони.

МУАММОНОМА

Аввало қуйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг.

1. Давлат рамзларидан бири —12, 13, 20, 8.
2. Алишер Навоийнинг шоҳ асари —17, 2, 14, 16, 2.
3. Ҳашаротга номдош бурж 15, 2, 11, 3.
4. Ҳосил олинадиган ўсимлик —18, 19, 4, 3.
5. Торли миллий мусиқа асбоби —6, 5, 9, 1, 20.
6. Сувсевар экин —10, 1, 7, 4.

Очқич жавоблари асосида шакл атрофи ва марказидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ечинг. Улардан икки мисра ҳикмат ва унинг муаллифи бўлган мумтоз шоирнинг номини билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ.

Этот пестрый мир

«ДРАКОНОВЫЕ МЕРЫ...»

Правительство Гонконга намерено ввести крупные штрафы за плевки и разбрасывание мусора на улицах, чтобы предотвратить появление таких заболеваний, как птичий грипп и атипичная пневмония. Как заявил член правительства, пожелавший остаться неназванным, «некоторые меры покажутся весьма драконовыми». Так, штраф за каждый плевок составит 1200 гонконгских долларов (около 150 долларов). Те, кто не смогут заплатить, будут вынуждены работать на благо города. Кроме этого, власти намерены заставить хозяев кафе, ресторанов и других заведений обновить водопровод и канализационную систему зданий.

«ҚИЗИЛ САЙЁРА», ҚАЙДАСАН?

Яқинда россиялик олимлар европалик ҳамкасблари билан ҳамкорликда «Қизил сайёра»га яна бир экспедиция жўнатди.

Куни кеча Россиянинг «Союз-ФГ» русумли ракетаси ёрдамида фазога чиқарилган «Марс-экспресс» Ер ўқидан чиқиб, Қизил сайёра томон йўл олди.

Россия фазовий тадқиқотлар институти сайёра тузилиши ва Қуёш тизимининг майда жисмларини ўрганиш бўлими бошлиғи Василий Морознинг маълум қилишича, аввал қуйи орбитага чиқарилган икки тонналик станция шаронтга мослашиб олгач, Марс томонга ҳаракат бошлаган. У айни пайтда «Фрегат» тезликни оширувчи блоки ёрдамида шиддат билан «Қизил сайёра» томон интилмоқда.

300 миллион еврога тушган «Марс-экспресс»дан олимларнинг умиди катта. Улар бу станция ёрдамида ўзларини қизиқтирган кўп саволларга жавоб топмоқчи. Асосий мақсад эса Марсда ҳаёт бор ё бўлганини исботловчи бирор ашёвий далил топишдир.

«Марс-экспресс» Марсга етиб боргач, унга сув излаш ва тупроқ олиш учун бургулашга мўлжалланган 65 килограммлик «Бигл-2» зондини туширади. Тадқиқот мобайнида станция Марс атмосфераси, газлар зичлиги ҳамда 60 километргача бўлган баландликдаги ҳароратни ҳам ўрганиши керак.

Албатта, мазкур экспедиция қандай натижа билан тугаши ҳақида ҳозирдан бирор гап айтиш мушкул. Шу аниқки, инсониятни йиллар давомида қизиқтириб келган жумбоқни ечиш сари яна бир муҳим қадам ташланди.

(ЎзА).

Бош муҳаррир
полковник
И. Қ. АБДУКАРИМОВ

АДРЕС РЕДАКЦИИ:
г. Ташкент, 700031
ул. Д. Кунаева, 21

Газета выходит по вторникам, четвергам и субботам.

Заместитель главного редактора — 56-17-98; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 56-02-51; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48, социологии и рекламы — 56-54-76.

Начальник издательства и типографии — 56-04-90; бухгалтерия — 56-03-82, отделы подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44; дежурный — 56-09-81.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются.

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 00050.

Номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 0205.